Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 12 апрель, чоршанба • № 29 (10.705) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН—ГЕРМАНИЯ:
МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАГИ ЯНГИ САҲИФА

11 апрель куни Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Бу ташриф Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегациясининг 1993 йил апрелида Германияга қилган сафарига ўзига хос жавоб ташрифи экани, Боннда ўтган музокаралар якунида яратилган ўзаро муносабатлар ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда кенг ҳамкорлик йўлга қўйилишига имкон яратди. Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи сиёсат маҳкамалари, ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида ўрнатилган алоқалар фикримиз далилидир. Бундан ташқари, мамлакатимиз вилоятлари ҳам бевосита иқтисодий хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш, Шарқий Германияда ўтказилаётган ислоҳотлар тажрибаларини ўрганиш мақсадида ГФР федерал ҳудудлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Икки мамлакат халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги биргаликдаги фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширмоқдалар. Германия минтақадаги обрўли давлат сифатида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан манфаатли алоқалар ўрнатишига кўмаклашаётир. Ўзбекистон эса, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришини таъмин этишда муҳим ўрин тутадиган мамлакат бўлиб, Германия Федератив Республикасининг Марказий Осиёга нисбатан янги ташқи сиёсати амалга оширилишида ҳамкор бўлаётир.

Германия Федерал Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ана шу сабабли ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Федерал Президент Роман Герцог ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқдилар. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга Ўзбекистон заминининг анвойи гулларини ҳадя этди.

Президентлар Ислом Каримов ва Роман Герцог махсус шоҳсупага кўтарилди. Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат Президентлари миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропорт биносида меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашди. Сўнгра президентларнинг расмий делегация аъзолари билан танишув маросими бўлди.

Шу ерда Президент Ислом Каримов ва Федерал Президент Роман Герцог қисқа муддат суҳбатлашдилар.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони пойтахтимиздаги шеърият султони ва давлат арбоби Алишер Навоий номи берилган Миллий боғ томон йўл олди. Байрамона безатилган Тошкент кўчаларидаги халқлар дўстлигини улуғловчи, азиз меҳмонларни қутловчи ўзбек ва немис тилидаги битиклар шаҳар кўркига кўрк қўшган. Минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари Роман Герцог ва у раҳбарлик қилаётган делегацияни олқишлади.

(ЎзА).

СУХАРТО:
ЎЗБЕКИСТОНДА БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ГУВОҲИ БЎЛДИМ

УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАР

8 апрель куни Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига Индонезия ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқлари кўтарилди.

Аэропортда Индонезия Президенти Сухарто ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга баҳорий гуллар тақдим этдилар.

Шундан сўнг икки давлат Президентлари шоҳсупага кўтарилди. Индонезия ва Ўзбекистон Республикалари Давлат мадҳиялари янгради. Сухарто ва Ислом Каримов миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортнинг муҳташам биносида меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан суҳбатлашдилар.

Сўнгра Президентлар расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Аэропортда Ўзбекистон ва Индонезия Республикалари Президентларининг қисқа мулоқоти бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни ўзбек заминида қизғин кутлаб, унинг ташрифига муваффақиятлар тилади.

Индонезия ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони юксак мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Тошкентнинг асосий кўчалари ва майдонларида икки дўст мамлакат байроқлари ҳилпирайди. Халқлар дўстлигини, меҳмонларни олқишловчи икки тилда битилган шиорлар кўчалардаги байрамона руҳга янада кўтаринкилик бахш этади. Меҳмонларни минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари олқишладилар.



Шаҳар ташқарисидаги қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Индонезия Президенти Сухарто ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Индонезиялик мўътабар меҳмон ташрифи дастури Алишер Навоий боғида, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан давом этди.

Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари бугунги кунда жаҳондаги ўнлаб тилларга таржима қилинган. Индонезияликлар ҳам буюк шоир ижодидан ана шундай таржималар орқали баҳраманд бўлиб келмоқда. Бобокалонимиз бундан беш аср муқаддам «Жаҳон аҳли, билингиз, иш эмас душманлиг, ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш» деб хитоб қилган эди. Мамлакатимиз раҳбарияти юргизаётган ташқи сиёсат бу ҳикматли сўзларга садоқат намунасидир.

Президент Сухарто буюк шоирни ҳурмат ва эъзоз билан ёд этди. Бу ерда тўпланган жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарларига бўлажак музокараларда муваффақият тиладилар. Дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига умид билдирдилар.

МУЗОКАРАЛАР

Индонезия давлат раҳбари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройига келди. Бу ерда икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди.

— Индонезия масофа жиҳатидан биздан анча йироқ бўлсада, маънавий жиҳатдан жуда яқин мамлакатдир, — деди Ислом Каримов, Президент Сухарто жанобларини юртимизга ташрифи билан яна бир карра қутлар экан. Зеро, Индонезия Ўзбекистон истиқлолини биринчилар қаторида тан олди. Мамлакатимиз билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ўрнатишга киришди. 1992 йилда Индонезияга ташрифимиз чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон раҳбари музокаралар чоғида мамлакатимиз Индонезия билан алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди. Хусусан, тўқимачилик саноати, ўсимлик мойи, чой қадоқлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболли эканини, бу борада қўшма корхоналар ташкил этиш ўзаро манфаатли бўлишини таъкидлади.

Индонезия Президенти ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан Президент Ислом Каримов билдирган таклифларни маъқуллади. Имзоланган ва имзоланажак ҳужжатларнинг амалга татбиқ этилиши ғоят муҳим эканига эътибор қаратди.

— Индонезия Ўзбекистонда пахтадан ип йигирадиган қўшма корхоналар қуришдан айниқса, манфаатдордир, деди жаноб Сухарто. — Шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг ривожини таъмин этувчи консорциумлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Расмий музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма баённомани имзоладилар.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Индонезия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Али Алатас Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги меморандумга ҳамда икки мамлакат пойтахтлари орасида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекдилар.

— Дўстлик ва ҳамкорлигимиз улуғ аждодларимиздан меросдир, деди Ислом Каримов музокаралар якунлари юзасидан журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан. — Буюк бобокалонларимиз ва уларнинг мероси Индонезия халқи томонидан эъзозланишидан фахрланамиз. Бугун имзоланган ҳужжатлар ана шу азалий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Индонезия Президенти Сухарто жаноблари ҳам имзоланган ҳужжатларнинг ғоят муҳимлигини таъкидлади.

— Мен Ўзбекистонга 1989 йилда ҳам ташриф буюрганман, деди жаноб Сухарто. — Бироқ, бу гал мен ўз истиқболини қўлга киритган Ўзбекистонга келдим. Ўтган қисқа муддат ичида қанчалар буюк ўзгаришларни амалга оширганингизга гувоҳ бўлиб турибман. Мен Ўзбекистоннинг истиқболига ҳамда дўстлик ва ҳамкорлигимиз янада ривож топишига ишонаман.

ТАНИШУВ

9 апрель куни Индонезия Президенти Сухарто замин сайқали Самарқанд сафарида бўлди.

Олий мартабали меҳмон Шарқнинг буюк алломаларидан бири, улуғ муҳаддис Имом Бухорий мажмуини зиёрат қилди. Зиёратгоҳни обод этиш борасида олиб борилаётган ишлар билан қизиқди. Муборак қадамжода Индонезияда нашр этилган 300 дона Қуръонни тақдимлаш маросими бўлиб ўтди.

Индонезия давлат раҳбари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилар экан, ташрифи буюк соҳибқирон таваллуд кунига тўғри келганидан мамнуният изҳор этди. Сўнгра Президент Сухарто афсонавий Регистон майдонини, Шоҳизинда ёдгорлигини, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек расадхонасини бориб кўрди.

Самарқанд сафарида Индонезия Президентига Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, вилоят ҳокими П. Абдурахмонов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ҳамроҳлик қилдилар.

***

10 апрель куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Президенти Сухарто Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюрди.

Меҳмонлар бирлашмадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар, ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш борасида фикрлашиб олдилар.

Шу куни Индонезия Республикаси Президенти Сухартони расмий кузатиш маросими бўлди.

Аэропортнинг муҳташам биносида меҳмонлар расмий делегация аъзолари ва хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан хайрлашдилар.

Индонезия ва Ўзбекистон Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто шоҳсупага кўтарилдилар.

Индонезия ва Ўзбекистон Республикалари Давлат мадҳиялари янградн.

Президент Сухарто Ислом Каримов ҳамроҳлигида миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг Индонезия Президенти Сухарто бошлиқ делегация Тошкентдан Ашгабадга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президент Сухарто ва унинг рафиқасини Ислом Каримов рафиқаси билан, Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Бош вазир ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатувчилар орасида Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Абдулжалил ҳам бор эди.

(ЎзА).

Вилоят ҳокимлигида

ТАДБИРКОРГА ҲАММА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРАЙЛИК

КУНИ кеча вилоят ҳокимлигида шаҳар саноат-қурилиш банклари, туман деҳқончилик-саноат банклари, «Тадбиркорбанк», вилоят кичик ва ўрта тадбиркорликка кўмаклашувчи жамғарма (бизнес жамғарма)нинг жойлардаги бўлимлари раҳбарлари, шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ва уюшмаларнинг раислари қатнашган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинар-кенгашда республика ва вилоят тадбиркорлар уюшмаларининг раислари, солиқ ва банк бошқармаларининг бошлиқлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни вилоят ҳокимининг муовини, умумиқтисодий мажмуа раҳбари А. Раҳимбоев очди ва бошқариб борди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичи ва галдаги энг муҳим вазифалар ҳақида вилоят ҳокимининг муовини, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг бошлиғи В. А. Лозицкий маъруза қилди.

— Вилоятимизда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида Президентимиз кўрсатмалари асосида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда, — деди нотиқ. — Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа — мулк муносабатларини тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг асосий моҳияти — мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва тадбиркорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборатдир.

Вилоятимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида режали иш олиб борилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида вилоятимизда мингга яқин корхона ва ташкилотлар ўз мулк шаклини ўзгартирди. Бугунги кунда бундай корхоналарнинг сони саноат соҳасида 77,8 фоизни, қишлоқ хўжалигида 91 фоизни ташкил этди, уларда меҳнат қилаётганларнинг сони эса 49 фоиздан ошди.

Бугунги кунгача жойларда 3 мингдан зиёд хусусий ва кичик корхоналар, 301 та ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилди. Жорий йилнинг охирига бориб яна 250 корхона хусусийлаштирилади. Вилоятда яна 15-20 атрофида қўшма корхоналар барпо қилинади. Бу йил деҳқончилик-саноат мажмуида фермер хўжаликларини барпо қилишга алоҳида эътибор берилади, тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Уларнинг ишини яхши йўлга қўйиш мақсадида солиқ ва банк бошқармалари томонидан кенг қамровли амалий ёрдам ва мадад кўрсатилади. Бугунги кунда вилоятимиздаги хусусийлаштирилган 30 та объектга 18,5 миллион сўм қарз берилган. Бу чегара эмас. Тадбиркорга янада кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилади.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан республика «Тадбиркорбанк» бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати А. Юсупов, «Ўзсаноатқурилишбанки» Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғининг муовини О. А. Директорова, вилоят давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи Р. У. Усмонов, вилоят Тадбиркорлар уюшмаси раиси Х. Худойбердиев, республика Марказий банкининг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи Н. Солиев, Олмаликдаги «Солидарность» тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жамғармасининг раҳбари Н. Шобратова, Оҳангарон шаҳар тадбиркорлар уюшмасининг раиси, «Рағбат» кичик корхонаси директори Ғ. Қораев, Паркент туманидаги «Эгамсарбон» хусусий фирма раҳбари Ф. Эгамбердиев ва бошқалар сўзга чиқиб, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар, бу борадаги намунали ишларни кенг ёйишни таклиф этдилар.

ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

ОҚҚЎРҒОН ДАЛАЛАРИДА
(Репортаж)

Пахтакорнинг шу кунлардаги меҳнати ўзига хос. Оққўрғонлик пахтакорлар ҳам режа билан иш юритмоқдалар, чигитни қисқа муддат ичида сифатли экиб олиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Шу боис ҳам ишда унум, суръатда ўсиш сезиляпти.

Туман хўжаликларида апрелнинг дастлабки кунлари 343 гектар майдонга уруғ ташланган бўлса, ҳозирча бу кўрсаткич 1862 гектардан ошиб кетди. Бугун эса суръат яна ҳам юксак. Меҳнат мусобақасида «Султонобод», Ҳ. Олимжон номли, «Гулистон», А. Икромов номли жамоа хўжаликлари, «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасининг мириштқорлари пешқадамлик қилишмоқда. Одам кучи ва экиш техникаси имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмоқда.

Навоий номли жамоа хўжалигига борганимизда антиқа байрам устидан чиқиб қолдик. Навоий номли ва «Ойтамғали» жамоа хўжаликларининг қайта қўшилиш тўйига бағишлаб Наврўз байрами шарофати билан элга ош тортилаётган экан.

Тушликдан сўнг ҳамма яна ўз даласига отланди. Биз мавруддан фойдаланиб, янги бирлашган хўжаликнинг янги раиси Файзулла Мўминовни суҳбатга тортдик.

— Айтингчи, яна қайта бирлашишдан мақсад нима?

— Бу саволга ота-боболаримизнинг доно ўгитлари энг яхши жавоб, — деди янги раҳбар. — Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар.

Ҳа, раис жуда тўғри айтди. Бирлашишдан, ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп. Баъзи сабабларга кўра 1992 йилда хўжалик қоқ иккига — Навоий номли ва «Ойтамғали» жамоа хўжаликларига бўлиниб кетди. Бу ножўя ишнинг кейин иситмаси чиқди. Навоий номли хўжалик олға илдамлаб кетгани ҳолда «Ойтамғали» чўкиб қолди.

Бир мисол. Навоий номли хўжалик ўтган йили давлатга пахта сотиш режасини 109 фоизга бажарди. Умумий даромад 8 миллион сўмни, соф даромад эса 2,6 миллион сўмни ташкил этди. «Ойтамғали» жамоа хўжалигида эса, пахта тайёрлаш режаси 65 фоизда қолиб кетди. Албатта, бу икки хўжаликда меҳнатга ҳақ тўлашда кескин фарқланиш бўлди. Илгари бир оила бўлиб яшаган қадрдон қўшни хўжаликнинг оғир аҳволга тушиб қолгани «Навоий»ликларни ҳам ташвишлантирмай қолмасди. Ҳуллас, икки хўжалик оқсоқолларининг гапи билан, туман ҳокимининг 29 мартдаги фармойиши асосида икки хўжалик қайта бирлашди.

Бугун бирлашган янги хўжаликда вазият бошқача. Мавжуд 876 гектар экин майдонига яна 586 гектар ер қўшилди. Ғаллазорлар, боғлар майдони кенгайди, чорва туёғи кўпайди. Техникани айтмайсизми? Ёттита ҳайдов трактори 11 та, саккизта чопиқ трактори 14 та, иккита ғалла комбайни 3 та бўлди. Комбайнлар яп-янги, яқинда сотиб олинган. Ҳаммадан ҳам муҳими — бу одамлар. Улар бирлашишди, тўғри йўлни топиб олишди.

Хўжаликда чигит экиш апрелнинг биринчи кунлариданоқ уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Ҳозир пухта созланган 12 экиш агрегатининг ҳаммаси далада. Ҳар бир агрегатнинг кунлик иш унуми 10-12 гектарга бормоқда. Агар иш ана шундай суръатлар билан борса, ҳамма майдонларга қисқа вақтда тўла-тўкис чигит экиб бўлинади.

Далада ишлаётганлар учун эрталаб бепул нонушта, тушликда иссиқ овқат ташкил этилган. Рўзғоридан кўнгли тинч бўлсин, деб ҳар бир қишлоқ хонадонига зарур миқдорда ёғ, гўшт, картошка, пиёз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиб чиқилди.

Йўлдош Маматов бошлиқ пудратчи бригада даласида экиш ишлари, айниқса, жадал суръатлар билан боряпти. Яхши ишлов берилиб, кафтдек текисланган картанинг оёғига бориб қайтаётган трактор олдимизга келиб тўхтади. Тракторчи ва сеялкачи билан салом-аликдан сўнг қисқа суҳбат бошланди.

— Бугун қанча ерга чигит экмоқчисизлар?

— Тушгача олти гектарга чигит ташладик, — деди сеялкачи Зулфи Муҳамедов. — Кечгача 12 гектарга бориб қоларов...

Ҳа, бугун далада ким билан гаплашманг ҳамманинг ўй-фикри фақат чигит экишда, уни тезроқ тугатиб, уруғни ернинг ўз намига бир текис ундириб олишда. Чунки вақт шоширяпти. Кунлар исиб, тупроқдаги нам тез кўтариляпти. Ҳозирги ҳар бир кун, ҳар бир соатнинг қадрига етган миришкорлар қулай фурсат ва имкониятни қўлдан бой бермаслик учун астойдил ғайрат, шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Бултур Йўлдош Маматов бошлиқ бригада 55 гектар пахта майдонидан 38 центнердан, хўжалик эса 30 центнердан хирмон кўтарган экан. Бу йилги ният ҳам чакки эмас. Бригада бўйича 40 центнердан, хўжалик бўйича камида 30 центнердан хирмон кўтариш мўлжалланмоқда.

...Узоқ-яқиндан чигит экаётган тракторларнинг гуриллашлари қулоққа чалинади. Бу ўзига хос «меҳнат қўшиғи» кўкламнинг муздек шабадаси, заррин қуёшнинг илиқ тафтидек ёқимли ва ҳузурбахш эди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАН СЎНГ

Қишлоқ бизнеси муаммолари

ЎЗ ЕРИНИНГ БОШ ЭГАСИ

— Бу бизлар ҳақимизда ва бизлар учундир! — чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарорига Ҳасанбой қишлоғидан чиққан фермер Рихсивой Шорустамов ана шундай баҳо берди. Зотан, Ислом Абдуғаниевич Каримов имзо чеккан ҳужжатнинг ҳар бир сатри ҳаёт тажрибаларига ҳам, минг-минглаган қишлоқ меҳнаткашлари умидларига ҳам тўлиқ жавоб берар эди.

Бу қарор мамлакатимизда деҳқонларни қўллаб-қувватлаш, умумий фаровонлик йўлида олиб борилаётган изчил тадбирлар шодасида яна бир муҳим ҳалқа десак бўлади. Зеро, бир неча бор тасдиқдан ўтган ҳақиқат битта-ку: деҳқонлар ва чорвадорга ўз ерида эркин меҳнат қилиш имконияти бериng, ўшанда у чинакам улуғвор ишларни амалга оширади: ҳамма учун мўл-кўлчилик яратади.

Бу ерда энг муҳими: белгиланган қайта қуришлар стратегиясига қатъий амал қилиш, деҳқон қалбида эртанги кун учун ишонч туғдириш, унда ўз иши учун фахр туйғусини уйғотиш, ташаббусига қанот бағишлаш. Ва яна фаровонлик дастурини аниқ давлат, тижорат чоралари билан мустаҳкамлаш, деҳқонни жамоат таянчи билан таъминлаш зарур бўлади.

Рихсивой Шорустамов ва унинг онласи ҳозироқ анча-мунча ишларнинг уддасидан чиқиб қўйди. Лекин, ҳали олдинда янги режалар, янги бунёдкорликлар турипти.

Бу ҳақдаги «Правда Востока»нинг 4 апрель сонидан олинган саҳифани газетамизнинг 2-бетида ўқийсиз.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1995 йил 12 апрель • № 29 (10.705)

ШОРУСТАМОВЛАР ИШИ

Сут фермасида гуллар униб чиқди... Мўъжаз иссиқхона пленкаси остида чиннигуллар ниш уриб ўса бошлади.

«Қуюшқондан» чиқибми? Айтишга осон! Ҳамма учун талабгир нарса — мантиққа тўғри. Хўжайиннинг ўзи ҳал қилади. Ўз ерига нима экади-ю, нима ўстиради.

Аслини олганда Рихсивой Шорустамов беда, маккажўхори, лавлаги — ўзининг кичик подаси учун зарур нарсалар етиштиради. Фақат ўзигагина эмас: баҳор бошларида унинг силос ҳандағида 50 тонна ширадор озуқа қолди, у жамоа хўжалиги билан бирга баҳам кўришга тайёр эди. Ҳалолига кўчганда, жамоа хўжалиги фермаси ҳам унинг учун ўгай эмас-ку, ахир.

У ўша фермага ўн йил бош-қош бўлди — ҳечвақонинг уддасидан чиқиб бўлмади. Гоҳ бутун фикри-хаёли уйида, болаларида бўлган сут соғувчи сут сузишни унутиб қўяди; гоҳ ветеринар молнинг туғиш пайтига улгурмайди, оқибатда бузоқ «тинчиқиб» қолади; баъзан ғира-ширада тўрва орқалаган кимсанинг шарпасига кўзи тушиб қоларди, тўрвада нима бўлиши мумкин: шубҳасиз, омухта ем.

Лекин, шамгин бўлган сут соғувчини ҳам, ветеринарни ҳам, ташмачини ҳам айбламасди. Биттагина илож — кунларини ҳам, тунларини ҳам фермада ўтказарди.

Бир куни фермага келиб қолган райком котиби «нозик» ҳазил қилиб қолди: икки ярим литрдан сут берса, булар сигирлар эмас, эчкилар-ку, деб. Раҳбарларга гап қайтаришга ўрганмаган Рихсивой бу гал чидолмади: уйларда боқилаётганлари билан солиштириб кўрсангиз бўлармиди, деди.

Райком котибининг ўзиям фарқни жуда яхши биларди. У саволдан таажжубланмади, балки, суҳбатдошидаги алам унга таъсир қилди.

— Бу сигирлар хонаки бўлганда нима бўларди?

— Ўзимнинг озуқамни ўзим ўғирламайман-ку, ахир!

— Ўнта сигирни эплайоласизми?

Гап жиддийлашганлигини Рихсивой дарҳол фаҳмлади. Балки, ҳар бир кишининг тақдирида бир марта бўладиган ягона ўзгариш шумикин? Ўша маҳалда у райком котиби тақдирида бундан ҳам қалтисроқ «бурилиш» бўлишини хаёлига келтирибди дейсизми? Баайни шу аснода улар — катта талаб қўйилмайдиган оддийгина бир деҳқон билан биргаликда бус-бутун тузилманинг «энг муқаддас» бисоти — колхозлар яккаҳокимлигига шак келтиришаётган эди.

Ўша пайтда ўзига берилган ҳудудда «ўзи хон, қўланкаси майдон» бўлган райком котиби ҳар доимгидек колхоз раисига «ботирроқ» гап қилди. Кейин «истеъфодаги» ферма мудирига озуқа учун икки гектар ер ва ўнта сигир ажратиб беришди. Лекин, улар тузукроқ эчкилардан ҳам абгор — рамақижон сигирлар эди...

Рихсивой торгина ҳовлисида улар билан дастлабки йилни амаллаб ўтказди. Невара-чеваралар эски ўроқ билан йўл четларини қиртишлаб, ўт-ўлан топиб келишарди. Колхознинг «хусусий хўжалик»ка у-бу бергани феъли торлик қилди. Устига устак «мана, колхоз елкасида бойимокда», деган замчавой гаплар ҳам эшитилиб қоларди.

Лекин, «хусусий хўжалик» танг аҳволда бўлсаям, қўл қовуштириб ўтирмади. Хонадон бекаси Насиба опа қизлари, келинлари билан молларни «оқ ювиб, оқ тарашга» киришди. Шу орада бедалар кўкариб қолди. Биринчи ўримниёқ Рихсивой иккига бўлди: ҳозир бериладиган озуқага ва заҳира пичанга ажратди. Ҳадемай маккажўхорилар, лавлагилар етила бошлади. Булар ҳам тенг иккига — бугунга ва эртага — ёзга ва қишга бўлинарди.

1

— Гектарларни кимларга бериш керак?

— Ким кимнинг елкасида?

— Уй сигирлари — нима у?

— Фойдани қаёққа йўналтириш керак?

Сигирлар ҳам сутига сут қўша бошладилар, аввал бир пиёлалаб, кейин литрлаб, дегандек. Биринчи йилнинг ўзидаёқ оила сутнинг ўзи билан колхоз билан орани очиқ қилиб олди.

Ўша йили эркакларга жуда оғир бўлди, оддий ташвишлардан ташқари лой қоришар, ғишт қуйишар, оғиллар деворини уришар эди. Мақсад — биринчи бузоқлар иссиқ хоналарда туғилиши керак эди. Ўнта сигирнинг ҳаммаси омон-эсон «қутулиб» олишди, ўнта ола-була бузоқлар оналари ёнига қўшилди. Моллар туёғи иккига қўпайди.

Аслини олганда, хусусий фирма колхоз тузган шартномаси бўйича сут етказиб берувчига айланди. Энди колхоз раиси қарзини узишни ўйлайдиган бўлиб қолди. Аввалги йил бўйича жамоа хўжалиги ҳозир фермердан 25 минг сўм қарз. Лекин, «мулкдор» хўжалик бошқарувининг «икки оёғини бир этикка тиқмаяпти», чидаб турибди. Яна денг, озуқадан ҳам ёрдамлашиб юборяпти. Хўш, энди айтинг-чи, ким кимнинг елкасида?

Ҳозир оилавий фермада сигирлар сони 15 дан ошиб кетди, ўнлаб бузоқлар, новвосчаларни айтмайсизми? Лекин, оғилда ҳали анча жой бор.

Бу соҳибнинг алоҳида фахри. Тўртовлон — Рихсивой, ўғиллари Маҳкам, Муродхўжа ва қайниси Сотиболди Тиллаев узунлиги 65 метрлик молхона қуришди. Кенглиги нақ — 13 метр. Икки қатор мол боғлашга етади. Оралаб кичик аравача судраган эшак юради, ундан чапга ва ўнгга қучоқ қучоқ ўтлар, ҳашаклар, кесилган лавлагилар, сершира маккажўхори поялари иткитилади. Улар ўтган йили жамоа хўжалиги инсофга келиб яна қўшиб берган саккиз гектарлик озуқа майдонларидан олинган эди. Бироқ, омухта емларни сотиб олишга тўғри келяпти.

Яқинда молхонанинг шундоқ ёнида артезиан қудуғи қазилди, трубалар ётқизиляпти. Улардан суғориш ҳамда қўшни далага чиқариб ташлашга мўлжалланган гўнгларни ювиш учун сувлар оқади. Буларнинг бари тозалик, тежамкорлик, боринг-ки, меҳнатни енгиллаштириш демакдир.

Лекин, сирасини айтганда, бу ерда меҳнат аввалгисидан кам эмас. Аммо, ҳар бир уриниш тўрт карра фойда бўлиб қайтмоқда. Чунки, оила ўз фермасини юз йигирма-юз ўттиз бошга кўпайтиришни ният қилиб қўйди. Бўлажак мавсум аниқ кўрсатади, ўнлаб ўз бузоқлари қаторига, балким, сотиб олинган ўнлаб сигирлар қўшилар, лекин, уларнинг насли ҳам мана шунақа ола-чипор зот бўлади.

Сўзсиз, ҳозиргидек 800 центнердан илдизли озуқалар олинган тақдирдаям — мавжуд майдонлар озлик қилади. Аммо, эндиликда жамоа хўжалиги бошқарувини ишонтириш қийин эмас. Деҳқон хўжалигига йигирма гектарча ер бергандаям у ютқазмайди, ютади. Ахир бу ерларда лавлаги, беда, маккажўхорилардан ҳеч қачон бунақа мўл ҳосил олинмаганлиги ҳам рост-ку. Боз устига гап битта эмас, тўрт оила — ота, болалар, қайин ҳақида кетяпти.

Улар ҳозирданоқ катта майдонлар билан юзма-юз келишга чоғланишяпти. Жамоа хўжалиги хусусий фермага берган кунда бир ғарам темир-терсак бўлиб кўринган трактор ҳозир йўрғалатиб қўйилди. Ўшанда у моторсиз, тўртта балони йўқ, чироғи йўқ, яна алланарсалари... Ўғиллар — уста ҳайдовчилар эмасми, ярим йилдан сўнг тракторни оталари фермасига гуриллатиб кириб келдилар. Яна пешонага иккита от ҳам «битди». Далалар мудроқликдан уйғонди, озуқалар молхоналарга, қўшниларга, жамоа хўжалиги фермасига келади деган умидлар бор. Шунда «сут чашмаси»нинг тўрт кўзи очилиб кетса, ажабмас.

— Шунчани нима қиласизлар?

— Пишлоқ пиширамиз, — деб қулимсирайди соҳиб ва бизни қўшни майдончага бошлайди, — худди мана шу ерда!

Ана энди бояги райком котибини эслаш мавриди келди. Тақдир тақозоси билан у турли ерларда, тули лавозимларда ишлади. «Мулкчилик шаклини» ўз билгича ўзгартирганлиги учун гап-сўз ҳам эшитди, лекин, унчалик қаттиқ эмас. Чунки, ўзгаришлар «пишиб етилмокда» эди-да. Ҳаёт яна бир айланиб келганда ўз ишининг устаси бўлган ходимга иқтисодиётнинг муҳим тармоғини ишониб топширишди. Ана шунда у дастлабки сафарларидан бирида тўппа-тўғри Ҳасанбой қишлоғига, Рихсивой Шорустамов ҳузурига йўл олди.

Айрим нарсаларни эслаш шарт эмас, шундоғам ҳамма нарса аён эди. Иш ҳақида дангал гаплашишди. Чамалаб кўришди, модомики, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир сигирдан 3500 литрдан сут соғиб олишга эришилаётган бўлса, моллар зотини, парваришини, озуқасини яхшилашса, бемалол 4000-5000 га чиқиш мумкин. Биргалашиб оғилхона ёнида мўъжаз заводча учун жой ажратишди.

Мўъжаз деган билан унчалик кичик эмас: у янги технология асосида ўз фермасининг, шунингдек, Шорустамовлар қабилида ташкил этилаётган ўнлаб қўшни фермер хўжаликларнинг сутларини қабул қиладиган ва қайта ишлай оладиган бўлади. Бу дегани — пишлоқ, ёғ, қаймоқ, творог ва ҳоказолар. Бундай маҳсулотларга айлантирилган сутнинг фойдаси уч баравардан зиёд бўлади. Яна денг, Шорустамовлар гўшт билан ҳам савдо қила бошлашди. Дўконча қуришди, оқ тунука билан қоплашди, яқин орада беш-олти тонна гўшт савдога чиқарилади. Томорқадаги иссиқхонани айтинг, жаннатнинг ўзгинаси. Помидор кўчатлари, ёнида қулупнай, ҳадемай гуллар етишади, ўзларигаям, сотишгаям етади. Беш фарзанд ва ўн тўрт нафар набира бор уйга қутбарака тўлди.

— Харидга чоғланаётганга ўхшайсиз?

— Фермани кенгайтириш керак!

Буни қаранг, оила ошиқча ҳеч нарсани сотмайди. Аслида бутун даромад фаолиятга харжланади. Бундай ишбилармон соҳибга қарз берилсаям, бўлаверади. Чунки, тезда қайтаради. Вилоят Давлат мулки бошқармаси Рихсивой Шорустамов режаларини амалга ошириш хусусидаги аризани кўриб чиқишга тайёр. Режалар эса аниқ: пода тўлдирилади, ферма механизациялаштирилади, завод сотиб олинади, иссиқхона такомиллаштирилади.

Лекин, аёнки, пулдан бироз қийналиб турилибди. Фермерни қурилиш, техника таъмири, заводни бошқариш, маҳсулотларни сотиш сингари «бир этак» ташвишлар олдида якка-ёлғиз қолдириш инсофдан эмас.

Эндиликда кўмакдош — соҳиб билан тенгма-тенг тер тўкиб ишлайдиган, билағон «хизматчи» керак.

У билан танишмоқ мақсадида йўлга чиқамиз.

Хусусийлаштиришдан сўнг

Қишлоқ бизнеси муаммолари

ЎЗ ЕРИНГНИНГ БОШ ЭГАСИ

«АГРОСЕРВИС» ДЕБ АТАЛАДИГАН ХИЗМАТЧИ

Рихсивой бу ерларда ҳали бўлмаганди. Лекин, бизга бу нарсаларнинг ҳаммасига унинг кўзи билан қараш имконияти туғилди. Салом-аликдан сўнг фермерга тавсия этиладиган йўналишни босиб ўтишга тўғри келди.

Дастлаб қабулхона, деворларда, столлар, витриналарда — жадваллар, чизмалар, тавсияномалар, шартлар, нархлар, товарлар ва хизматлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар. Табиийки, шундоқ ёнингизда ихтисосли мутахассис мунтазир. Тушунтирмоқ ва маслаҳат бермоққа ҳозиру-нозир. Шартномаларнинг бланкалариям шу ернинг ўзида, уларни дарҳол тўлдириш ва йўлга ўзингиз билан олиб кетишингиз мумкин.

Чамамда, Рихсивой кўришни намойиш майдончасидан бошлаган бўларди. У ерда кичик фермага керакли нарсалар — ишга тайёр автомобиллар, тракторлар, тиркама жиҳозлар бор. Ҳамён кўтармайди, лекин, зарур-да! Темир-терсаклар орасидан топиб олиб, ўғиллари билан бирга «тирилтирилган» кичик трактор зичлашиб кетган заминни зўр-базўр ағдаради. Бу ердаги машиналар эса мустаҳкам. Энг бақувват трактор «К-701» жойида йўқ эди: «Агросервис» нинг ҳайдовчиси эрталаб ёқилғи қуйиб, омочни тиркаб, молани созлаб, қўшни фермер даласига жўнаб кетибди. Ҳозир қош қорайиб қолди, демак, тўрт гектар ерни ҳайдаш бўйича буюртма аллақачон адо этилган ва трактор бошқа далада ишлаётган бўлиши керак. Уйига у ҳали-вери қайтмайди, фермадан фермага ўтиб юраверади. Начора, дон сепишга ҳали фурсат бор, сабр қилса бўлади — Рихсивой лавлаги учун ҳайдаладиган ер юзасидан шартноманинг биринчи бандини тўлдириши мумкин.

Бу йил лавлаги икки минг центнерга бориб қолишини назарда тутиб, у лавлаги каллакларини кесадиган асбобни кўрсатишни илтимос қилади. «Марҳамат!», дейишади ва уни қўшни бинога олиб ўтишади. Фермер шартномага яна бир белги қўяди ва албатта, сут соғиш аппаратлари қўйилган кўргазма олдида тўхтаб қолади. Рихсивой ўғиллари билан қунт қилса, бундай аппаратни ясашиям мумкин, лекин, оворагарчиликнинг нима кераги бор? Шундоғам вақт етмайдику... Чини, бу ерда кўнгилдагидек қилиб беришлари турган гап. Бузуқ механизмни бу ерга олиб келиш, унинг таъмирини кутмасдан алмашиш мажмуидан бошқасини олиб кетиш мумкин. Устига-устак бир йиллик кафолати бор. Шу тариқа шартноманинг учинчи банди ҳам тўлдирилади.

2

— Фермерга ким ёрдам беради?

— Хизмат турлари қандай шакллантирилади?

— Нархлар бозордагидан кам бўлиши мумкинми?

— Монополист бўлиш яхшими?

Кейин — улғурсанг бўлгани. Резина оёқли аравача ёки унинг ғилдираклари, пичан ўрувчи, ҳашак жодиси, сепаратор, артезиан қазилмаси ёхуд қудуғи учун насослар, автосуғоргич, сув билан ювувчи шланглар, қисқаси, фермада асқотадиган, ҳатто, нўхтагача бўлган жиҳозларни харид қилиш, таъмирлаш, ижарага олиш мумкин.

Қурилиш қилмоқчимисиз? Қулочни кенгроқ ёймоқчимисиз? Бошқа цехда — йиғма конструкциялар, бутловчи деталлар, мустаҳкамловчи материаллар, булар молхона, қўйхона, гаражлар учун... Ҳатто, қурувчиларни ҳам ёлласа бўлади!

Буюртмачига битта ёхуд иккита банк ҳам камлик қилиши мумкин. Рўйхатда юзлаб товарлар ва хизматлар турлари. Лекин, тавсия этиладиган нарсаларнинг анча қисми ихтисослашмаган корхоналардан, уларнинг баъзилари айнан зарур нарсаларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга келганда тўхтаб қолмоқдалар, мол етказиб бериш чалкашликларини бартараф эта олмаяптилар, деҳқонлар чўнтаги кўтарадиган баҳоларга яқинлаша олмаяптилар.

Начора, омадсиз буромад йўқ. «Ўзқишхўжтехника» базаси мутахассислари ва ишчиларининг сафи чор-атрофдан йиғилган «ақли моҳир, қўли гул» деб аталадиган уста кишилар билан тўлдирилади. Улар бир кўриб, бир эшитса, бас, пайвандми, чархлашми, созлашми, сайқаллашми, барини қойилмақом қилиб ташлашади.

Кўпинча ишчилар анъанавий маҳсулотлар турларига қараб эмас, балки, ишчининг янгиликка ўчлиги, бир қарашда кутилмаган нарса ишлаб чиқаришга ишқибозлигига қараб танланади.

Аравалар, насослар, сут соғиш аппаратлари, моторлар... қаторига юмшоқ курсилар ва диванлар қўйилган. Қулай, таранг, чиройли духоба билан қопланган. Нархи эса жар солувчи рекламалар таъкидлагандек, «бозорникидан паст». Сирасини айтганда, аслида нарх бозорникидан паст бўлмайди, маърифий бозорлар меъёри озмойишини ўрганиш ва харидордан ошиқча «шилиш»га мойиллик бўлмаса, бас. Бу ердаги мебеллар Тошкент дўконларида қўйилганларидан арзонроқ. Сифати ҳам қолишмайди. Бундай йиғмалар ферма қошидаги дам олиш хонасинигина эмас, балки, унинг эгаси уйини, шаҳардаги хонадонини ҳам безашга муносиб. Қаранг, мебелсоз усталарнинг топилганлиги туфайли юмшоқ мебеллар пайдо бўлди. Эндиликда буюртмаларни бажаришда уларнинг қўли қўлига тегмаяпти.

Яна шу нарса диққатга сазоворки, «Агросервис»га жалб этилган ходимлар билан ҳамкорликлар шакли ҳам турлича бўляпти. Жумладан, ҳиссадорлаштирилган фирма ҳудудида хусусий корхона — тикув фабрикасига ҳам жой топилди. Ҳозир 24 нафар ходима деҳқонлар, чорвадорлар, боғбонлар учун мўлжалланган қулай коржомалар, қўлқоплар сингари махсус кийим-кечаклар бичишмоқда ва тикишмоқда. Тайёрларидан танлаб олишингиз ёхуд якка тарзда буюртма қилишингиз мумкин: нусхаларни кўрсатишади, маслаҳат беришади, ўлчовини олишади. Коржомалардан ташқари кийимлар ҳақида ҳам гап кўтарилиб қолди. Келажак эҳтимолини ўйлаб, фабрика эгаси яна 12 та янги ўрин тайёрламоқда. Шундай қилиб, Рихсивой цехларни айланади, йўлма-йўлакай дидига ўтирган нарсаларни ёзиб боради. Балки, ўйланмаган битиклар ҳам пайдо бўлар. Чунки, бозор муносабатларининг кўҳна «Мижоз — ҳамиша ҳақ!» деган шиори бу ерда бошқачароқ, ўзига хос, аниқ ва амалий тарзда ҳал этилган: «Мижозга керакми — бажарамиз!». Хусусан, «Агросервис»даги мелиорация бўлими шу тариқа пайдо бўлди: деҳқон хўжаликларига зовурларни тозалаш, дренаж каналларини ўтказиш, сув оқавалари йўлларини очиш учун кичик механизмлар ва мосламалар зарур бўлиб қолди.

Айтилди, вассалом, бажарилди!

Зооветеринария хизмати, кимё жиҳозлари деҳқонлар ва йирик хўжаликларга керакми, товарлар ва хизматлар ҳам шу алфозда вужудга келди.

Нега деганда, «Агросервис» жамоа хўжаликлари ва тажриба станцияларидан тортиб ҳар қандай хўжаликка хизмат қилади.

Мабодо Рихсивой бирон-бир янги нарса буюришни истаб қолса, қилиб беришади ва уни каталогга киритишади: балким, бошқаларга ҳам керакдир: «Агросервис»нинг ўтмишдоши — қишлоқ хўжалиги техникаси базаси — машиналар таъмирига зўрға улгурарди-ку...

Ниҳоят Шартлашувчи Олий Томонлар товарлар ва хизматлар нархларини келишадиган дақиқалар етиб келади. Бу ерда буюртмачини янгилик кутади. Битта эмас, анча-мунча янгилик кутади.

Биринчидан, нархлар! Бозорларга мос, лекин, чидаса бўладиган. Чунки, янги фирма фойдада босиқликка мойилдир. У ўз фаолиятининг турли соҳаларида рентабелликда 5 дан 20 фоизгача олдинлаб кетган. Айтайлик, ҳайдовчи меҳнати ва ёқилғини ҳам қўшиб ҳисоблаб, тракторни ёллаш «учар» «қалинчилар»никига қараганда беш марта арзон тушади. Бугунги кунда ўз ҳудудида фермерлар ва йирик хўжаликларга хизмат кўрсатишга аслида ягона монополист бўла туриб, фирма нархларини фақат ўзи белгилаши ҳам мумкин. Лекин, бу ерда бир марта ўлпон ўлжа орттириб, кейинги доимий даромад манбаларидан маҳрум бўлиб қолиш эҳтимолдан ҳоли эмаслигини яхши тушунадилар. Биринчи қадамини қўйган тадбиркорни хонавайрон қилиш қийинми?

Оқилона бизнес, аслида, мижозни қўллайди, унга оёққа мустаҳкам туриб олиши учун имконият яратади, бу икки томонлама нафли. Зеро, товарлар ва хизматлар бозорида муқим ўрнашиб олиш, мижозлар ишончи ва самимиятини қозонишнинг ўзи муҳимдир. Унда, марҳамат, мижозлар келишаверсин: фермерлар кўп бўлади, улар янги хизматлар кўрсатишни талаб этишади ва энг ишончли шерикка мурожаат қилишади.

Иккинчидан, қарз масаласи. Дастлабки одимларга хос қийинчиликларга қарамай, ёш ферма олдинда ҳисоб-китоб қилиш дағдағаси билан мижозларни бурчакка тиқиб қўймайди. У тушумнинг кечроқ бўлишига, масалан, тўловларни хирмон кўтариладиган вақтгача суриш шартларига розилик бериши керак. Ўшанда мижоз тўлиқ ораочди қилади. Ораочди қилмаса-чи? Бунақаси ҳам бўлиши мумкин.

Шу боис, учинчидан, маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилинсачи? Фирманинг ўзи деҳқон хўжаликларини маҳсулотларини харид қилишга тайёрлик билдиради. Ёки, бу ҳам шунинг ўзи, бир қисм ҳосилни, йиғимни, соғинни тўловга чақиши мумкин.

Бунда фақат товарлар, хизматлар, муқобил мол етказишлар нархи, уларнинг маҳсулот тарзидаги ҳажми олдиндан келишиб қўйилади. Ана унда талаблар туфайли келиб чиқадиган оғишлар тушунмовчиликларга олиб келмайди.

Мен Рихсивойдан мана шунақа ҳисоб-китоб услублари унга тўғри келадими, деб сўрадим. Айни муддао! Ахир у ўзининг биринчи сигирларига тўлайдиган қарзидан жамоа хўжалигига сут ўтказиб қутилган эди-ку.

Бироқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган фирма сабзавот, мева-чева, сут, гўшт, маккажўхори, гуручни «бошига урадими?»

Унчалик эмас. У ҳам ўз навбатида металл, ёқилғи-мойлаш, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар етказиб берувчилар билан маҳсулот эвазига ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Яна, дейлик, ўзининг хос дўконини очиб, юқоридаги нарсалар билан савдо қилиши ҳам мумкин.

Лекин, ҳаммасидан кўра истиқболлиси — агросаноат мажмуасининг яна бир ҳалқаси — қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш тизимига қўшилса ҳам бўлади.

Энди биз ана шундай корхонага равона бўламиз.

ҚУВВАТИ... НЕС-НОБУДЛАРГА ТЕНГ

Бу заводнинг бўсағасидан ўтар-ўтмас иш бор жойда янгилик бор, деган ҳақиқат яна бир карра исботланди. Бу сафар омадимиз юришган экан, улкан қуритгични бизнинг кўз олдимизда синовдан ўтказишга бошлашди.

... Қабул қилувчи мосламага бир неча сават тўғралган пиёз солинди ва у қиздирилган ҳаво томон силжий бошлади! Олдинда уч босқичли 100 метрлик масофа бор эди. Дастлабки, энг иссиқ босқичда пиёз асосий намлигидан ажради. Қолганлари секинлик билан бўлди. Иккинчи босқичда — 30 фоизга яқини, учинчисида — сўнгги — 20.

Биз пиёзни «кузатиб», кўк рангга бўялган катта қутилар ёнидан ўтдик. Охирида тайёр маҳсулотларга кўзимиз тушди. Иссиқ ҳаво пиёздан бутун намликни сўриб олибди. У зичлашиб, ихчамлашиб қолган, лекин, таъми, витаминлари боягидай, энг муҳими, ўзига хос бўйини йўқотмаган эди. Эндиликда у бузилмасдан ва айнимасдан ойлаб, бир йил, икки йил ҳам туриши мумкин. Биз сақлайдиган пиёзбошлари эса ҳадемай сўлийди, пўстини ўзгартиради, сабзавот омборларида кўкариб кетади.

Бу сафар баайни пиёзнинг «кашшоф» бўлиши италиялик конструкторларнинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак. Зеро, «Сандвиг» қуритгичлари, асосан, узумларни қуритишга мослаштирилган. Лекин... Ўзбекистонга келтирилган агрегатларнинг биринчиси бу ишнинг уддасидан чиқолмади — Фарғона водийси, Ҳисор тоғлари, Тошкент воҳасида битадиган кишмиш навларининг ғоятда ширага бойлигини италияликлар тўғри тахмин қилмаган эканлар, чоғи.

Сўзсиз «Ўзмевасабзавотвиносаноат»нинг бош конструкторлик-технология бюросидаги мутахассислар ва завод усталари бу муаммони келажакда ечадилар. Италия қуритгичлари учун мос «узум режаси»ни танлайдилар. Ҳозирча, мазкур агрегатлар учун кўп томонлама фаолият беришга уриндилар. Пиёз, помидор, бақлажон, ўрик, олма, нок, шафтолилар... Пушталарда нима ўсса, дарахтларда нима битса, ҳаммасини қуритиш мумкин.

Қўшимча қиламиз: қоқи қилиш керак.

Ҳаммаси бўлмасаям, ҳосилнинг салмоқли қисмини кўзлаш лозим. Ўзбекистоннинг боғ-роғлари, экинзорлари ўз халқини боқишга ва яна ўн миллионлаб одамларни хурсанд қилишга қодир. Экспортнинг бекиёс моддаси. Лекин, бугунги кунда махсус вагонлар, рефрижиратор — автоуловлар, жаҳон андозаларига жавоб берадиган ҳосилимизнинг ортиқчасини узоқ ўлкаларга етказиб бера оладиган идишлар етишмайди. Сабзавот ва меваларни янги ҳосилгача асраб берадиган совутгичларимиздаги жойларимиз жуда оз. Помидорлар шарбати оқиб ётган, завод дарвозалари олдида навбат кутиб турган автоуловлар карвонини ким ҳам кўрмаган дейсиз?.. Алқисса, консерва корхоналарининг автоклавлари ва бошқа «жағ»ларига тушган бойликлар ҳам сонда бир, сифатда йўқ бўлиб, кўпгина хоссаларини, энг аввало, витаминларини йўқотиб қўймоқда.

Қуритиш мева ва сабзавотларни сақлаш ҳамда экспорт қилиш муаммоларини бир қадар ҳал этади. Шу маънода «Сандвиг»нинг 11 та линияси қўлга киритилган қийматли матоҳ бўлди. Лекин, улар турлича тарзда ишга тушдилар. Тошкент вилоятига тавсия этилган бу агрегатларнинг бири узоқ вақт эгасини тополмади. Бегонанинг беғамлиги жонга аро кириб қолди.

Бу шундай бўлган эди. Икки идора ўзларининг таъмирлаш механика заводларини ёнма-ён бунёд этишмоқчи бўлишди. Майдонни жиҳозладилар, коммуникациялар ўтказдилар, бинолар қад кўтарди. «Ўзмевасабзавотвиносаноати» режалаштирилганидек, бу ерда завод барпо этди. Бошқа идора эса ишни охирига етказмади. Ҳайрият, бино ҳувиллаб қолмади: у ерга қуритиш хўжалигини жойлаштирдилар.

3

— Фермер нима билан ҳисоб-китоб қилади?

— Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин?

— Ёрдамчилар қаерга жойлашадилар?

— Қишлоқ ҳуснига қандай қиёфа ярашади?

...Биз ҳисоблай бошладик. Бир соатда 3 тонна пиёз ўтди. Иш — узлуксиз. Демак, бир кеча-кундузда 72 тонна. Лекин, бу ерда соатига 3,5-4 тонна ҳам дейишади, албатта, турига боғлиқ. Ҳар ойда икки-уч кун қайта созлаш, турларни алмаштиришга кетган тақдирдаям завод бир йилда камида 300 кун ишлаши мумкин. Бу — 25-30 минг тонна сабзавот ва мева-чева демакдир.

Энди сал бошқача ҳисоб-китоб: бизда яхши деганда, мевалар ва ноз-неъматларнинг учдан икки қисми истеъмолчига етиб боради. Сўлиган, чириган, нес-нобудга дучор бўлган «учинчи» қисми янги қуритиш корхонасига туташ ҳудудда — ўша минг-минг тонналар. Бундан кўринадики, қуритгич қуввати бугунги нес-нобудгарчиликка тенгдир. Янги қуритгич ўша исроф бўладиган маҳсулотлар анча-мунча қисмининг олдини олиши турган гап.

Таъкидлаймиз: масала ҳам иқтисодий, ҳам маънавий самара хусусида боряпти. Янгилик пайтида еб, қайта ишлаб, сотиб улгурмаган нарсангни — қоқи қил! Замин инъомларини шу тариқа сақлай оламиз. Дарвоқе, қуритиш корхонаси ёнида совутгич ҳам бор.

Бундай ишлаб чиқариш учун шерикларни узоқ қидиришга тўғри келмайди. Бу ишга ўз навбатида Россия ва Германия тарктоботлари биргаликда таъсис этган Москвадаги «Оврупо уйи» бажонидил аралашди. Шундай қилиб, янги завод қўшма корхона мақомини олди. Шуниси қизиқки, даладан пештахтагача бўлган масофада давлат, ҳиссадорлик, қўшма, хусусий корхоналар ўзаро ҳамкорлик қилишади.

Мулкчиликнинг барча шакллари — бир мақсадга қаратилган!

... Биз агросаноат мажмуининг бу ҳалқасига Рихсивой нигоҳи билан қарашни давом эттирамиз. Унга қолса, жуда маъқул!

Унинг, энг аввало, чорвадор бўлган кишининг томорқасида ҳар бири 200 квадрат метрлик иссиқхоналар барпо этиляпти, яна денг, яқин орада сабзавот ва мева-чевалар етиштирадиган жойларни ҳам кўз остига оляпти. Ҳадемай боғ-роғлар яшнаб кетади.

Таассуфки, ҳозирча «Агросервис» ҳамда қайта ишловчи завод таклиф этган хизматларга у етолмаяти, қўли калталик қиляпти. Чунки, биз бу ҳалқаларни сунъий равишда туташтирдик: Рихсивой Тошкент қишлоқ туманида истиқомат қилади, «Агросервис» бўлса Янгийўлда, завод эса ундан ҳам узоқда, четда.

Хулоса дейсизми? Хулоса шуки, «Агросервис», қуритиш заводи сингари фирмаларни ҳар бир туманда, ҳар бир минтақада, қолаверса, Ҳасанбой каби йирик қишлоқларда ташкил этиш керак. Катта-кичик хизматларнинг тури ва бошқаларни аниқ шароитларга қараб белгилаш лозим. Бу тамойил Тошкент вилояти ҳокимлигининг долзарб вазифасига айланди. У Давлатмулк қўмитаси томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Кўринишдан ҳамма ерда фермерни, кооперативни, жамоа хўжалигини деҳқонга хизмат кўрсатадиган корхоналар ҳиссадорлари сафига жалб этиш мақсадга мувофиқга ўхшаяпти. Ҳамма ерда бу таркиботлар пайдо бўлгач, фермерлар ҳаракатида сифат ўсиши бўлади, мулкчиликнинг ўзга шаклларини афзал кўрган хўжаликларда ҳам шарофатли ўзгаришлар юз беради.

Унча катта сармояси бўлмаган тадбиркор ҳам муваффақиятдан умидвор бўлиши мумкин. Деҳқон оғирини енгил қилишга даъват этилган турли хил «хизматчи»ларнинг борлиги унинг ишончига ишонч қўшади.

... Мен Рихсивой ака оиласининг якинда чоп этилган ҳужжат — «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини синчиклаб ўқиётганини кўрдим. Бу улар ҳақида ва улар учун эди! Ййловлар, зотдор қорамоллар сотиб олиш, техникавий сервис ва яна фермерга зарур ва бошқа кўпгина нарсалар хусусида ҳам гаплар кўп эди.

... Куни-кеча Шорустамовлар хонадонида бўлдик.

Навбатдаги янгилик: яна бир ишга қўл уришибди — ўрмончилик! Ўрмончаси «кафтдеккина». Марҳалардан кузатдик. Қатор экилган тераклар. Ҳозир улар зич, «девордай». Вақтлар ўтиб улар устунларга, тўсинларга, сарровларга, тахталарга ярайди. Энг саховбликси, Ҳасанбойга олиб борувчи ариқлар, зовурлар, кўчалар, йўл четларига текин кўчатлар ўтқазилади. Ана унда бу сўлим қишлоқ ўзгача бир чирой кашф этади.

Ефим ТАУБЕНШЛАГ,
«Правда Востока» шарҳчиси.
Тошкент тумани.



Л. ГУСЕЙНОВ суратлари.

Чирчиқ шаҳрининг 60 йиллиги олдидан

БАҒРИДА СУЛОЛАЛАР КАМОЛГА ЕТГАН

ЎЗБЕКИСТОННИНГ йирик саноат ва маданий марказларидан бири ҳисобланган Чирчиқда 22 та давлат корхонаси, катта қурилиш трести, автомобиль ва темир йўл транспорти корхоналари, ҳозирги пайтда давр талаби асосида ташкил этилган 500 га яқин кичик ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шаҳар корхоналарида минерал ўғит, рангли металлардан тайёрланган маҳсулотлар, қишлоқ хўжалик машиналари, кучлантирувчи трансформаторлар, кимё асбоб-ускуналари, қурилиш материаллари, рўзғор буюмлари, маданий моллар, болалар пойабзали, кийим-кечаклар, гўшт-сут ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шаҳарда тайёрланган маҳсулотларнинг кўп турлари жаҳон бозорида бемалол рақобатлаша олади. Чирчиқ ҳақида гап борар экан, унинг улкан корхонаси «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси тўғрисида алоҳида тўхталиш лозим. 1941 йилда тўла қувват билан ишлай бошлаган бу комбинат уруш йилларида минерал ўғит, кимё маҳсулотларининг энг муҳим турлари бўйича бутун мамлакат эҳтиёжини қондириб турди. Бирлашмада маҳсулот чиқариш йил сайин ортиб борди. Бирлашмада пишиқ кимёвий тола олиш учун қимматли ҳом ашё ҳисобланган капролактам комплексининг қурилиши республикамиз ҳаётидаги катта воқеадир. Бирлашма корхоналарида кўплаб етук ишчи кадрлар, мутахассислар етишиб чиқдилар.

Шаҳар шуҳратига Чирчиқ қишлоқ хўжалик машиналари, Ўзбекистон кимё машинасозлиги, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ҳамда бошқа корхоналар шуҳрат қўшишди. Энг йирик қурилиш ташкилоти ҳисобланган Халқлар Дўстлиги орденли 160-қурилиш трести бунёд этган турар-жойлар, хўжалик ва маданий бинолар, бошқа меъморчилик обидалари қурувчиларнинг меҳнат жасоратидан далолатдир.

Навқирон шаҳар телефон алоқаси юқори даражада йўлга қўйилганлиги билан ҳам республикада алоҳида ўрин тутади. Бу ерда ҳар беш хонадондан бири бундай хизматдан беминнат фойдаланмоқда. Чирчиқда ўтган йиллар мобайнида савдо, аҳолига маданий, маиший хизмат кўрсатиш салмоқли даражада ривож топди. Ночор қишлоқлар ўрнида бўй ростлаган замонавий илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, техникумлар, кўплаб спорт, маданий муассасалар, мактаблар, мусиқа билим юртлари, мактабгача тарбия муассасалари ҳам шаҳарнинг бойлигидир. 1959 йилда ташкил этилган ўлкашунослик музейи эса шаҳарнинг тарихи ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи бой маълумотларни мужассамлаштирган.

Дўстлик ва биродарлик шаҳри ажойиб меҳнатсевар, фидойи, касбига садоқатли инсонлар сулолаларини камолга етказди. Шаҳарнинг биринчи Меҳнат Қаҳрамони бинокор Таборак Турдалиев, «Электрохимпром» бирлашмаси ишчиси Меҳнат Қаҳрамони Деҳқон Шерчибоевни чирчиқликлар жуда яхши билишади. Улар Чирчиқни бунёд этишда алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Ўтган олтмиш йил ичида Чирчиқ шаҳри корхоналарида меҳнат қилган кишилардан тўққиз нафари Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлдилар. Кўплаб ишчи-хизматчилар ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотландилар. Чирчиқликларни қувонтирган омиллардан бири шуки, ана шу машҳур ишчиларнинг ўғил-қизлари отаоналари изидан бориб турли тармоқларда сидқидиллик билан ишламоқдалар. Ана шулар сафида Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ишчиси, Давлат мукофоти совриндори, фахрий металлург Зоя Ивановна Побединская, қатор орденлар нишондори Зубайдулла Тошматов, «Промтехмонтаж» бошқармасининг бригада бошлиғи, Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор Мажид Абдурашидов, 160-қурилиш трестининг бригада бошлиғи, Меҳнат Қаҳрамони, пардозловчи Надежда Ивановна Ермолаеваларнинг фарзандлари ҳам бор. Чирчиқда ҳалол меҳнати билан шаҳарни шон-шуҳратга буркаган ва буркаётган бундай оилалар, сулолалар кўп.

Н. САВЧЕНКО,
меҳнат фахрийси. Чирчиқ шаҳрининг 60 йиллигини ўтказиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳи раисининг муовини.

Суратларда: Чирчиқнинг машҳур Меҳнат қаҳрамонлари: Э. Пирматов, Д. Шерчибоев, О. Илёсов (марҳум). Чапдаги суратда шаҳарнинг биринчи бинокорлари (1935й).

• Олий суд ҳукмидан кейинги ўйлар

ОШНАНГ ОЛАҚАРҒА БЎЛСА...

Яқинда барча оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг судьяси А. Қодиров раислигида, судьялар Ж. Субхонқулов ва А. Дўстбобоевдан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Бош прокурорининг катта ёрдамчиси О. Матхолиқов, ҳимоячилар Ш. Рашидова, М. Шамсиева, М. Тойжонова, М. Суярова, М. Бузрукова, Р. Шайхутдиновалар иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумини зўрлик билан ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштиришда иштирок этишда айбланган бир гуруҳ шахслар устидан жиноят иши кўрилиб, ҳукм эълон қилинганлиги ҳақида хабар берилди.

1993 йилнинг июнь ойи ўрталарида муҳожирликда юрган «мухолиф» С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) Ашгабад шаҳрида вақтинча яшаб турган Мурод Жўраевга қўнғироқ қилиб, унга Қашқадарё вилоятида яшайдиган, ҳарбий хизматни ўтаб келган, уйланмаган 21-25 ёшлардаги йигитларни саралаб Туркияга юборишни топширади. Бу йигитлар Ўзбекистонга қайтганларидан кейин улардан шахсий соқчилар ҳамда жангарилар сифатида фойдаланиш мумкинлигини уқтиради.

Шунга кўра, муборакликМурод Жўраев бу қалтис ишга ўзининг ҳамқишлоқлари ва яқин танишлари бўлган Неъмат Аҳмедов, Шавкат Холбоев, Ҳошим Сувонов, Шавкат Маматов ва бошқаларни жалб этган. Унинг раҳбарлигида юқорида номлари қайд этилган шахсларнинг фаол ёрдамлари билан Қашқадарё вилоятида истиқомат қилган 46 нафар ёш йигитлар танлаб олиниб, улардан 21 таси олдиндан қалбакилаштирилган ҳужжатлар асосида Туркияга ўтказиб юборилган. Салай Мадаминов Мурод Жўраев орқали бу йигитларга зарур бўлган маблағларни — йўл кира, яшаш, овқатланиш ва умумфуқаролик чет эл паспортларини олиш учун сарф бўладиган харажатларни тўлаган.

Ёш йигитларни танлаб, уларга ҳужжат тўғрилаш ва уларни чегарадан ўтказиб юборишда Шавкат Холбоев билан Неъмат Аҳмедов асосий ижрочи бўлишган. Жумладан, Ш. Холбоев ўзининг таниши Б. Қораев ёрдамида иш жойлари, ташкилот раҳбари имзоси ва муҳри ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган сайёҳлар сўров варақаси асосида 19 та умумфуқаролик чет эл паспортларини олишликни ташкил қилган. Бунинг учун у Мурод Жўраевдан олган 3 миллион 400 минг сўм пулдан 200 минг сўмини Қораевга хизмат ҳақи сифатида тўлаган. Суд жараёнида хорижга юбориш учун танлаб олинган йигитларнинг шахслари тўлиқ аниқланди ва уларнинг аксарияти гувоҳ сифатида қатнашди. Дастлаб Ўзбекистондан Туркияга ноқонуний йўл билан 13 киши чиқиб кетган. Кейин 1994 йилнинг 8 февраль куни Неъмат Аҳмедов олти кишилик гуруҳга раҳбарлик қилиб Ботуми шаҳрига борган ва Грузия фуқароси Сулико Заидзега Мурод Жўраевдан олинган 635 АҚШ долларини бериш эвазига гуруҳни 9 февраль куни Туркия чегарасидан ўтказиб юборган. Яна икки киши чегарадан март ойида ўтган.

Ғайри конституциявий уюшманинг бошқа фаол ишторкчилари, хусусан, Дилором Исҳоқова, Муҳаммад Бекжонов, Юсуф Рўзимуродовларга уюшма учун сўм ва чет эл валюталарида пул маблағлари йиғиш вазифаларӣ юклатилган. Уларнинг фаол ҳаракатлари натижасида 1993 йилнинг июнидан 1994 йилнинг январигача 13200 АҚШ доллари ва 20 миллион 150 минг сўмдан ортиқ маблағ йиғилган. Бу пулнинг асосий қисми С. Мадаминовнинг кўрсатмаси билан Жаҳонгир Маматовга юборилган. У эса чет эл валютасини йигитларни танлаш ва яширинча Туркияга юбориш учун ишлатган.

Туркиядан қайтиб келган ва суд мажлисида гувоҳлар тариқасида сўроқ қилинган ўндан ортиқ йигитлар Туркияга бизнесменликка Шавкат Холбоев ва Ҳошим Сувоновлар томонидан таклиф этилганликларини, улардан бир неча марта ҳар хил миқдорда пул маблағлари олганликларини, ўзлари бир сўм ҳам сарфламаганликларини, Туркияга боргач Муҳаммад Солиҳ, Жаҳонгир Маматов, Номоз Нормўмин, Юсуф Рўзимуродов ва бошқалар бошчилигида каратэ, дзюдо, самбо, яккама-якка кураш, ҳарбий қисмга бориб ўқ отиш, портловчи қуроллардан фойдаланиш усулларини ўрганганликларини, Туркияда 1994 йилнинг февраль ойларидан бошлаб ўқишлари 7-8 ой давом этганлигини, ноябрь ойида уруш усулларини ўрганиш мақсадида Чеченистон Республикасининг Грозний шаҳрига жўнатилганликларини, Грознийда уларни Юсуф Рўзимуродов кутиб олганлигини, бир ярим ойдан кейин 3-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб Рўзимуродов белгилаган жойларга юборилганликларини, уйларига қайтиш маън этилганлигини, уйларига қайтмоқчи бўлганларида Рўзимуродов уларни «Ўзбекистонга 10 мингдан ортиқ одамимиз ташланган, сизларга ёки оила аъзоларингизга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин, барибир уйларингизга етиб боролмайсизлар» деб қўрқитганлигини, улар Рўзимуродов белгилаган жойларда унинг сигналини кутиб, бериладиган топшириқларни бажаришга шай бўлиб туришга мажбур бўлганликларини, Ўзбекистонда бўладиган сайловларда «Эрк» партияси аъзоларига қаршилик кўрсатиладиган тақдирда керакли раҳбар ходимларни ёки уларнинг оила аъзоларини гаровга олишлари зарурлигини, Туркияда тижорат ишига мутлақо ўргатилмаганликларини, умуман алданиб қолганликларини, лекин чет эл умумфуқаролик паспортлари ўзларида бўлмаганлиги ва бунинг устига пуллари ҳам йўқлиги сабабли иложсиз қолганликларини, уйга қайтамиз деб бир неча бор С. Мадаминовга қилган мурожаатлари жавобсиз қолганлигини эътироф этишди.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳар қандай кишида нохуш кайфият туғдиради. Ўзини ўта зиёли санаб, доим демократия ва инсонпарварлик хусусида сафсата сотиб келган «арбоб» ўзининг ғаразли ниятига эришиш мақсадида ўз Ватани ва ўз халқига нисбатан шу даражада тубанлик, душманлик қилиши ҳеч ҳам ақлга сиғмайди. Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма, деганлари шу-да. Афсус, курашнинг қабиҳ йўли танланибди. Россиянинг оммавий ахборот воситаларидан С. Мадаминовнинг Чеченистон вице президенти З. Яндарбиев билан алоқаси борлиги ҳақидаги хабарни эшитган эдик. Лекин бу алоқа жангарилар тайёрлаш тажрибасини ўрганиш даражасида бўлиши мумкинлигига ишонмаган эдик.

Шу ўринда инкор этиб бўлмайдиган бир мунофиқликни эслатиб ўтмоқчимиз. «Эрк» газетасининг 1992 йил декабрь ойида чиққан 40-сонида Муҳаммад Солиҳнинг «Ҳаётга реал қараймиз» деган сарлавҳада суҳбати босилган. Мухбир унга шундай савол беради: «Мақсад воситани оқлайди, деган ақидага қандай қарайсиз?» У жавоб бериб дейди: «Бу ақидадан кейинги етмиш йил ичида коммунистлар фойдаланди. Мен бу ақидани бутун вужудим билан қабул қилолмайман». Айтингчи, жаноб, конституциявий тузумга ва қонуний ҳукуматга қарши курашиш учун бирлашишга ошкора даъват этувчи мақолалар босилаётган газетани яширин равишда босиб чиқариш ва маҳфий тарзда тарқатиш, бунинг учун алдов йўли билан одамларни ёллаш — бу ленинчи «Искра»дан мерос бўлиб қолган, ёш ишчи деҳқон йигитларни ўқишга юбориш баҳонасида шахсий соқчилар ва жангарилар қилиб тайёрлаш — бу ленинча «қизил кўнгиллилар» бўлинмаларида шаклланган ақида эмасми?! Шунингдек сизнинг маблағ йиғиш, уни қайси йўналишлар бўйича қандай қилиб сарфлаш, ноқонуний сиёсий уюшма фаолиятини йўналтириб туриш ва ниҳоят мақсадга эришиш йўлида танлаган кураш усулингиз большевиклар қўллаган ақидадан нимаси билан фарқ қилади?!

С. Мадаминов бир пайтлар уч-тўрт кишининг қони тўкилган тақдирда ҳам мақсадга эришиш учун кураш йўлидан қайтмаймиз, деган эди. Танланган ана шу кураш учқуни 1993 йилда ва айниқса 1994 йил бошида ҳавфли тарзда аланга ола бошлаганлигидан унинг яқин кишилари ва айниқса қариндош уруғлари жиддий ташвишга тушиб қолишди. Унинг укаларидан бири — Мақсуд Бекжон ёш йигитлар махсус тайёргарликдан ўтиш учун Туркияга юборилаётганлигидан хабар топган бўлса керак, дарҳол акасини инсофга чақириб хат йўллади. Мақсуд Бекжоннинг 1994 йил 15 апрель куни акаси С. Мадаминовга йўллаган очиқ хати 19 апрель куни «Хоразм ҳақиқати» газетасида босилиб чиқди. Қуйида ўша хатнинг бир бўлагини таҳрирсиз айнан берамиз:

«Бугунги кунда Ўзбекистон учун энг муҳим бўлган нарсадан бири, фикримча миллий ҳамжиҳатликдир. Токи миллат бир бутун, яхлит бўлмас экан, ҳеч қандай олийжаноб ишни амалга ошириб бўлмайди. Сиз, эсингизда бўлса, бундан бир неча йил илгари, ҳали Иттифоқ мавжуд бўлган пайтда: «Биз учун энг муҳими бугунги кунда миллий бирлик ва миллий озодлик» деган эдингиз. Сиз ўшанда Россиянинг Ўрта Осиёдаги колониалистик ролини назарда тутган эдингиз. Хўш, бугун вазият ўзгардими? Тўғри, биз мустақиллик эълон қилдик, биз ўз қонунларимизга, Конституциямизга эга бўлдик. Фуқаролик тартибларини жорий этдик. Аммо хавф ҳали ҳам мавжуд. Баъзи бир буюк давлатлар иқтисодий пайлари билан ҳар қандай мустақил давлатни яна қарамлик ҳолатига олиб келиш учун ҳозир туриптилар. Шундай шароитда жумҳурият ичидаги қарама қаршиликлар халқ учун ҳалокатли эмасми? Ахир миллат манфаатлари ҳамма нарсадан устун турмайдими?»

* * *

...Олий суд ҳукмини эълон қилди. Судда ҳозир хорижда яшаётган Салай Мадаминов жиноятларнинг ташкилотчиси дейилди. Жиноят иштирокчилари бўлган Мурод Жўраев 12 йил муддатга, Эркин Ашуров, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедовлар 10 йилдан муддатга, Ҳошим Сувонов 6 йил муддатга, Шавкат Маматов 5 йил муддатга, Дилором Исҳоқова шартли равишда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Аслида Мурод Жўраевни адашганлардан деб бўлмайди. Олий маълумотли, мулоҳаза мушоҳадаси кенг, Ўзбекистон халқ депутати, Муборак шаҳар ижрокўмининг раиси бўлган. У ўзи бош қўшган сиёсий найрангнинг моҳиятини тушунади. Вақтида бойваччалик гаштини суриб кўрган, мабодо унинг раҳнамоси ҳокимият тепасига келгудек бўлса қандай лавозимга даъвогарлик қилиш мумкинлигини кўп бора ўйлагани аниқ. Шу сабаб, ёш, соддадил, ишонувчан юртдошларини кўра-била туриб йўлдан оздирган, қурбон қилмоқчи бўлган.

Ёши бир жойга бориб қолган Эркин Ашуров фарзандлари тенги йигитлар сафида сиёсий кураш майдонида «чиниқиб», вилоят миқёсида парвоз қилган қанотларининг қудратини мамлакат миқёсидаги парвозда ҳам синаб кўрмоқчи бўлди. Бир неча йил Самарқанддаги машҳур чой қадоқлаш фабрикасида директорлик қилган, Самарқанд вилоят ишбилармонлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган бу кимса ғайриқонуний ишга қўл ураётганини тушунмаган деб ким айта олади?

Шавкат Холбоев — Мурод Жўраевнинг укаси. У акасининг топшириғи билан Косон ва Китоб шаҳарларида Туркияга юбориш учун йигитларни танлади, уларга қалбаки ҳужжатлар тўғрилаш учун елиб югурди, Шавкат Маматовнинг уйида Туркияга жўнайдиган 13 та йигитга ўн минг сўмдан аванс берди. Бундан ташқари Мурод Жўраев ва Дилором Исҳоқовадан олинган катта миқдордаги пулларни танлаб олинган «кўнгиллилар»га сахийлик билан тарқатди. Жўраев уни фақат сўм билан эмас, балки доллар ва манат билан ҳам таъминлаб турди. «Вербовкачи» Холбоевдан Фахриддин Қиличев бир сафар 150 минг сўм, бир сафар 600 минг сўм пул олди. Ашгабадга борганида 16 йигитга 50 манатдан тарқатди. Хуллас, унинг топшириқни бажариш йўлида қўйган ҳар бир қадами пул билан ўлчанадиган бўлди.

Неъмат Аҳмедов — Жўраевнинг тузоғига илинганлардан бири. 1993 йил июль ойида Жўраев уни Ашгабадга қўшма корхона очишга таклиф этган ва унга аванс тариқасида 50 минг сўм берган. Тузоққа тушганидан кейин унга аванс берадиганлар кўпайиб кетган. Жумладан, Дилором Исҳоқовадан бир миллион сўм, Шавкат Холбоевдан бир миллион 400 минг сўм, Юсуф Рўзимуродовдан 3200 АҚШ доллари, Мурод Жўраевдан 1200 манат ва 400 АҚШ доллари олган. Бу пуллар бўлажак шахсий соқчиларни Туркияга юбориш учун ишлатилган. Унга Ботумидаги ошнаси Сулико Заидзе асқотади. Бир сафар Заидзе унинг ўзига ҳам 105 АҚШ доллари эвазига сафар визаси тўғрилаб беради. Неъмат Аҳмедов Истамбул шаҳрига бориб «Ҳидоя» меҳмонхонасига жойлашади. Уни Жаҳонгир Маматов кутиб олади. Эртасига Муҳаммад Солиҳ ва Юсуф Рўзимуродов билан учрашади. Орадан ати-ги уч кун ўтиб Рўзимуродов билан самолётда, қутилардаги сирли юкларда Ашгабадга қайтишади. Бу ерда уларни Мурод Жўраев кутиб олади.

Очиғини айтиш керак, Дилором Исҳоқова ҳам алданганлардан ёки адашганлардан эмас. Қаранг, аёл боши билан мана мен деган фитначи эркакларга бош-қош бўлди. Маблағ тўплаш ва уни тақсимлаш учун асосий жонли манба бўлиб хизмат қилди. Бир пайтлар «олдин — мустақиллик, кейин — демократия» деган ғояга қасам ичган бу аёл бугун «олдин — демократия, кейин — мустақиллик» деган шиор учун курашяпти. Ўзбекистон ҳақида қандай салбий маълумот бўлса, ҳозиржавоблик билан хорижга етказади. Хорижнинг оммавий ахборот воситалари ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга сабр қаноат билан чидаб, фарзандлари тарбиясида фидойилик кўрсатаётган минглаб, миллионлаб ўзбек аёллари ҳақида эмас, аксинча «жабрланган» Дилором Исҳоқова ҳақида кўпроқ ёзишади. Ваҳоланки, бу «миллионер» аёл кўп нарсага қодир. Унинг эътироф этишича, С. Мадаминов чет элга кетишидан олдин, яъни 1993 йил апрель ойида Дилоромнинг ўзига ва партиянинг бошқа фаолларига тўлаш учун етти миллион сўм қолдирган, орадан бир неча кун ўтиб С. Мадаминовнинг хотини С. Березняцкая унга сақлаш учун 13 минг АҚШ доллари берган, орадан яна бир оз вақт ўтиб, унинг уйига тўқ кўк рангли «Жигули» автомашинасида Ориф Озол деган озарбайжон йигити келиб, мана бу машинани Муҳаммад Солиҳ менга 7 миллион сўмга сотди, ҳозирча беш миллионини олинг, икки миллионини сўнг келтириб бераман, — дейди. Дилором Исҳоқова кейинчалик бу пулларнинг асосий қисмини Муҳаммад Бекжонов, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедов ва фитнанинг бошқа аъзоларига асл кўзда тутилган мақсадларга ишлатиш учун беради. Дилором Исҳоқовага инсонпарварлик нуқтаи назаридан мурувват кўрсатилди. Унга тайинланган 6 йиллик жазо шартликка алмаштирилиб, уч йил синов муддати белгиланди. Демак, унга ўйлаб кўриш учун имкон берилди.

Ошнанг олақарға бўлса, емишинг гўнг бўлар, дейишади. Ғайри конституциявий уюшган жиноий гуруҳ ташкилотчиси маккорларча хизмат қилиб, олган садақаси эвазига шаҳарма-шаҳар, давлатма-давлат кезиб юрган бир пайтда унга ошно бўлиб, унинг топшириғини бажарганлар алданиб, бармоқ тишлаб қолишди. Муҳаммад Солиҳ хорижнинг оммавий ахборот воситаларига интервью берар экан, Олий суд ҳукмига муносабат билдириб: «М. Жўраев 17 кишини Туркияга юборганнини тан олган эмиш. Шу жиноятми?»деб савол беради. «Биз фақат 17 кишини эмас, юзларча аъзоларимизни ҳар қаерларга юборишга мажбур бўлдик ва юборяпмиз ҳам». Ана сизга очиқ эътироф! Бу қора товуқ сомон сочар, ўз кетини ўзи очар дегандай гап. У суҳбати охирида «...мен ишонаманки, ҳақиқий референдум ҳали олдинда ва биз 2000 йилгача кутмаймиз» дея кимларнидир курашга чорлайди.

Бироқ тинч, барқарор, ҳамжиҳат бўлиб ҳаёт кечираётган ўзбек халқи ва ўзбекистонликлар бундай курашни рад этади. Ёш давлатимизда халқ орасида қилча низо бўлишига йўл қўйилмаётган экан, бундан фақат фахрланиш керак. Ўзбекистондаги ҳозирги сиёсий вазиятга ён қўшниларимиз, узоқ-яқиндаги дўстларимиз ва биродарларимиз ҳавас қилишаётган экан, бундан нега фахрланмаслигимиз керак.

Мусофир юртда подшо бўлгунча, ўз юртингда гадо бўлганинг яхши, деган нақл бор. Камбағаллик эмас, кўрнамаклик айб. Ўзганинг садақа ўрнида берган тотли тортидан ўзимизнинг ёвғон гўжа афзал. Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий қийинчилик вақтинчалик эканлигига ҳамма ишонади. Биз иқтисодий мустақиллик йўлидан дадил одимлаб, ислоҳотнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйдик. Кўзланган марра яқин.

Муҳолифат деб аталмиш маккор сиёсат қурбонлари давлатга қарши курашни давом эттириш билан бирга, Ўзбекистон раҳбарияти яхши ният билан қўйган ҳар бир сиёсий қадамни ғараз билан қарши оляпти. Жумладан, улар яқинда тожик муҳолифати раҳбарларининг Тошкентда бўлиб, Президентимиз билан учрашганлигини ҳам аламзадалик билан шарҳлашди. Уларнинг назарида гўё Ўзбекистонда ҳамма ишлар ёмон, умуман бу ерда яхши нарсанинг ўзи йўқ. Бу шунчаки аламзадалик эмас. Улар Ўзбекистоннинг халқаро обрўси кун сайин ошиб бораётганлигидан баттар талвасага тушиб қолишяпти. Бундай аламзадаликни ҳеч кимга раво кўрмаймиз. Ғаразли мақсад яширинган аламзадалик охир оқибат хоинликка олиб келиши тайин. Шундай бўлди ҳам.

Эсон ҚУРБОНОВ.

Ғалабанинг 50 йиллиги

ФАХРИЙЛАР БОҒИ

Оққўрғон тумани уруш ва меҳнат фахрийлари Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида ажойиб совға олишди.

Оққўрғон шаҳрида Фахрийлар боғи бунёд этилди. Туман ҳокимлиги ва туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг ташаббуси ҳамда ёрдами билан барпо қилинган бу мевазор боғ майдони 3 гектар бўлиб, ўлка тарихи музейи биносининг шундоққина ёнбошига жойлашган.

Яқинлашиб келаётган Ғалаба куни муносабати билан музейда ва хотира ёдгорлиги ўрнатилган тепаликда қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари тугалланмоқда.

Шу кунларда музейга келувчиларнинг кети узилмайди. Бу бежиз эмас. Ушбу муқаддас даргоҳда сақланаётган 4 минг кўргазмада туманнинг ўтмиш тарихи, фронтга кетган 7 минг кишининг тақдири ва порлоқ хотираси абадий муҳрланган.

Х. НОСИРОВ.

«ЎРИКЗОР»ЛИК ТЎПЧИ

Ҳар кимки жафо қилса, жафо топгусидир, деган буюк алломаларимиз. Ўзгалар тинчини бузиб, азиз тупроғини топтаган, сон-саноқсиз қишлоғу шаҳарларга ўт қўйиб кулини кўкка совурган малъун фашист газандалари ҳам бегуноҳлар хуни ва интиқомдан қочиб қутила олмадилар. Адолат ва ҳақиқат тантана қилди.

Аммо ғалаба осонликча қўлга киргани йўқ. Жанг майдонларида қолган неча миллионлаб шаҳидларнинг маълум ва номаълум мозорлари, ҳоки пок руҳлари ҳануз тириклар хотирасидан ўчмади, ўчмайди ҳам. Чунки инсон қавми ўзи шунақа. Ёднома, хотирот деган абадий, умри боқий солнома мавжуд. Унинг номи — тарих.

— Мен иккинчи умримни яшаяпман, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Одилжон ака Холисов. — Биз бу кунларга етиб келишни ўйлаган эмасмиз. «Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади» деганларидек, 1946 йилнинг ёзида она шаҳрим Тошкентга эсон-омон қайтиб келдим. Дунёда тинч меҳнат, осойишта турмушдан кўра, тотлироқ, лаззатлироқ нарса йўқ экан. Бунга ўзим жонли гувоҳман...

Одилжон Яккасарой (собиқ Фрунзе) туманидаги «Ўрикзор» маҳалласидан ҳарбий хизматга чақирилганда мўйлови энди сабза урган норғил ўсмир эди. У тенги йигитлар тушган қизил вагонлар тиркалган поезд Саратов вилоятининг Балашов шаҳри темирйўл станциясига келиб тўхтаганда 1940 йилнинг ёз кунлари эди. Одилжонни тўпчилар қисмига хизматга жўнатишди. Астойдил қунт қилиши туфайли у моҳир тўпчи, мўлжалга олувчи сифатида қисмда танилиб, командирлари таҳсинига сазовор бўлди.

Афсус, хизмат муддатига бир йил тўлар-тўлмас уруш бошланганлиги ҳақидаги шум хабар тарқалди. Кўп ўтмай жанговар ҳолга келтирилган қисм фронтга йўл олди. Пишемик шаҳри бўсағасида у биринчи бор душманга рўбарў келиб, унга қарши тўплардан ўт очди. 1418 кун давом этган даҳшатли уруш солномаси тўпчи Одилжон учун ана шундай бошланди.

1944 йилнинг баҳор ойлари эди, — деб ҳикоя қилади О. Холисов. — 408-артиллерия полкимиз Польша чегарасида турарди. Уруш урушда, ахир. Командирнинг амри вожиб. Буйруқ бўлдими, бас, бажаришинг шарт. Бу гал ҳам шундай бўлди. Юзе-

«ЎРИКЗОР»ЛИК ТЎПЧИ

станциясига разведкага бориб келиш ҳақида шошилинч буйруқ олдик. Бу ўта хатарли иш эди. Душман бу станцияни катта куч билан муҳофаза этарди. Биз бешовлон разведкачига душманнинг ўқ-дори омбори ва пистирмаларининг қаерда жойлашганини аниқлаш топширилган эди.

Тун қоронғусидан фойдаланиб, станция томон эмаклаб кетдик. Яқин ён атрофимизда автомат ушлаган душман соқчилари шарпасини сезиб, жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдик. Топшириқ тўла бажарилиб, орқага қайтиш тараддудини кўраётганимизда кутилмаган воқеа юз берди. Сокин тун қўйнида болаларнинг хазин овозлари қулоғимизга чалинди. Овоз шу яқин ўртадаги ертўладан келарди. Вазият жуда қалтис эди. Вақт эса зиқ. Бизни штабда орзиқиб кутишарди. Нима қилиш керак? Мен ва яна бир жанговар дўстим «тил» билан орқага қайтдик. Қолган уч разведкачи ертўла мудофаасида қолишди...

Бизнинг рапортимизни қабул қилган полк командири майор Кирянов қўлимизни қаттиқ сиқиб, ташаккур билдирди. Тонг саҳарда қисмимиз ҳужумга ўтди. Юзепе станцияси қўлга олинди. Ертўладаги болалар эсон-омон қутқариб қолинди...

Одилжон ака узундан-узоқ фронт йўлларини босиб ўтди. Украина, Польша, Чехословакия ортда қолди. Оғир жанглар билан Одер ва Шпрее дарёларидан кечиб ўтилди. Душманнинг сўнгги истеҳкоми Берлин ҳам таслим бўлди, рейхстаг биноси пештоқига ғалаба байроғи тикилди. Ўша 1945 йилнинг майида Одилжон ака ўз қисми жангчилари билан Берлинда эди.

Одилжон ака Холисов кўкрагини безаган шоҳда-шода жанговар орден ва медаллар, фронтдош дўстлар билан бирга тушган, вақт ўтиши билан сарғайиб кетган фотосуратлар, ёрлиқлар ва хатлар ўша нотинч, бехаловат уруш йилларидан хотира, жонли ёднома. Уларни II гуруҳ ногирони, уруш ва меҳнат фахрийси ўқтин-ўқтин қўлга олади. Шунда қалб тубидан нидо эшитилгандай бўлади: «Энди сира уруш бўлмасин! Тинч, осойишта, ёруғ ва бахтиёр кунларимизга кўз тегмасин!»

А. ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАЙДИ

Бу бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан биридир

АҲОЛИНИ табиий газ билан таъминлаш-бошқармамиз жамоасининг асосий вазифаси. Республикамиз Президентининг «Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш» ҳақидаги фармони газчилар зиммасига катта масъулият юклади. Ушбу фармондан сўнг бошқармамиз мавжуд имкониятларни қайта ҳисоблаб чиқиб, белгиланган режага ўзгартиришлар киритди. Шу йил давомида 100 километрдан кўпроқ газ тармоқлари қуриладиган бўлди.

Вилоятимизда 400 дан кўпроқ саноат корхоналари ва 4 мингга яқин маиший хизмат кўрсатиш корхоналари табиий газ истеъмол қиладилар. Бошқармамиз уларга, шунингдек, аҳолига йил давомида 7866 миллион куб метр миқдорида табиий газ етказиб бериши лозим. Бундан ташқари ҳозирча табиий газ тармоқлари тортилмаган ҳудудлардаги истеъмолчиларга ҳам 6100 тонна, шу жумладан, хонадонларга 5300 тонна суюлтирилган газ етказиб бермоқчимиз.

Бироқ, афсуски, вужудга келаётган баъзи муаммолар белгиланган ана шу тадбирларни изчил амалга оширишга халақит беряпти. Жумладан, кўпчилик корхоналарнинг тўлов қобилияти сусайиб бораётгани, уларнинг шериклар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилолмаётганлиги фақат ўзларинигина эмас, уларга маҳсулот етказиб бераётган ташкилотларни ҳам қийин аҳволга солиб қўймоқда. Ўзимиздан мисол: вилоятдаги табиий газ истеъмолчилари шу йилнинг 1 апрелигача бошқармамиздан 215 миллион 236 минг сўм, аҳоли эса 10,8 миллион сўм қарз бўлиб қолди. Энг йирик табиий газ истеъмолчилардан — республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли Тошкент ГРЭСи ҳалигача бошқармамиздан 51 миллион 607 минг сўмлик, Янги Ангрен ГРЭСи эса 8 миллион 71 минг сўмлик қарзини узолмаяпти. Бундай қарзлар ёнига бошқа янги корхоналар ҳам қўшилаётир. Жумладан, Чирчиқдаги «Электрокимёсаноат» корхонасининг табиий газ учун қарзи 56,1 миллион сўм, шу шаҳардаги «Иссиқлик манбаи» корхонасиники 2,7 миллион сўм, «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасиники 2 миллион 870 минг сўм, Бекобод шаҳридаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасиники 5 миллион 169 минг сўм, цемент комбинатининг қарзи эса 7 миллион 26 минг сўмдан ошиб кетди.

Қарз унмаса ҳамёнга зиён, деган нақл бор элимизда. Олган гази ҳақидан вақтида узилолмай юрган ташкилотлар сони кўпайгани сари бошқармамиз ҳам ўз навбатида магистрал тармоқлар орқали табиий ёнилғи етказиб бераётган «Ўзбектрансгаз» давлат бирлашмаси, суюлтирилган газ билан таъминлаётган «Шўртангаз» ишлаб чиқариш бошқармаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводидан жами 185,2 миллион сўм қарздор бўлиб қолди. Бундай ҳолат ҳар қандай иқтисодий бақувват ташкилотни, шу жумладан газ ишлаб чиқариш бошқармамизнинг ҳам молиявий аҳволини оғирлаштириб, қийин ҳолга солиб қўйиши табиий, албатта.

Республикамиз бозор иқтисодиётига узил-кесил ўтяпти. Иқтисодий муносабатлар эса ҳалоллик ва ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб боришни ёқтиради. Шундай экан, халқимиз билиб айтганидек, ҳисобли дўст ҳеч қачон айрилмайди, олар-бераримизни сира ҳам кечиктир

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1995 йил 12 апрель • № 29 (10.705)

• *Дилдан суҳбат*

ҚЎШИҚЛАРДА ҚОЛИБ КЕТСИН АРМОНЛАРИМ

Ҳар қандай инсон яхши куй ва қўшиқ тинглаганда бу беҳудуд дунёни бир сония унутиб, унинг сеҳрига мафтун бўлади. Қўшиқ гўё одамзоднинг шодлигию қайғусига, севгисию изтиробларига шериклек туюлади.

Агар охори тўкилмаган қўшиқни ўзинг севган хонанда дилдан хониш қилса беихтиёр унинг қўшигига жўр бўласан. Ҳатто у тугагандан сўнг ҳам унинг жозибадор сатрларини хиргойи қилиб юрасан киши. Тонгда эшитган қўшиғинг кун бўйи кайфиятингни кўтаради. Ўзбекистон халқ артисти, Насиба Абдуллаева ҳам ўзининг жозибали куй-қўшиқлари билан мухлислари қалбига аллақачон кириб борган санъаткорлардан бири...

— Насибахон, гўзал баҳор кунларида, вилоятимизга ташриф буюриб, шаҳар-қишлоқларимизда бўлиб, эл дилига баҳор нашидасини олиб кирганлигингиз бизни жуда қувонтирди.

— Эътиборингиз учун раҳмат. Биз яқинда Тошкент шаҳрига кўчиб келдик. Иш режамизда эса биринчи галда Тошкент вилоятига сафар қилиш эди. Бу сафарни «Байрамдан байрамгача» деб номладик. Аёллар байрами 8 мартдан то Наврўзи олам бошлангунга қадар - 21 мартгача вилоятнинг Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Бўстонлиқ ва Юқоричирчиқ туманларида бўлиб, янги концерт дастурларимизни намойиш этдик. Мени қувонтирган нарса шу бўлдики, бундан тўрт йил аввал ҳам бу жойларда концерт қуйгандик. Мухлисларим мени илгари қандай кутиб олган бўлсалар, бугун ҳам шундай очиқ чеҳра билан қарши олдилар.

— Сиз Хоразм қўшиқларини маромига етказиб куйлайсиз. Бунинг боиси нима?

— Хоразм қўшиқлари шўх, ўйноқи бўлади. Яна шуни айтиб ўтишим керакки, ҳали мен учун махсус қўшиқлар кам яратилган. Шунинг учун ҳам халқ қўшиқларини кўпроқ куйлайман. Лекин ҳар бир хонанданинг ўз йўли, ўз овози бўлади. Мен айтмоқчи бўлган қўшиқ аввало ўзимга таъсир қилиши керак.

— Сизнингча, санъаткор учун юксак мукофот нима?

— Санъаткор учун, албатта, халқнинг эътирофи катта мукофот. Мен буни бир санъаткор учун лозим бўлган барча мукофотларни олиб бўлганимга айтаётганим йўқ. Қолаверса, халқ эътироф қилгани учунгина шундай таҳсинга сазовор бўлдим. Бу менинг қилган меҳнатимнинг, изланишларимнинг самараси, деб биламан.

— Кейинги пайтда элга танилган қайси шоир ва бастакорлар билан мулоқот қиляпсиз?

— Мен ҳозир Каримжон Турсунов сўзи билан айтиладиган, Юлдуз Усмонова куй басталаган «Йилларга алданиб ўтаверамиз» қўшиғини, Ҳувайдо газалига Алишер Расулов куй басталаган «Ало бўлдим», «Арзимни айтдим» қўшиқларини

Суратда: Насиба Абдуллаева оила аъзолари билан. Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

тайёрлаяпман. Элга танилган шоирлардан Абдулла Ориповнинг, Муҳаммад Юсуфнинг мен учун атайлаб ёзган шеърларини куйлашни истайман. Лекин ҳали бунга мушарраф бўлганим йўқ. Балки бундан буён, ажаб эмас, улар билан ҳамкорликда қўшиқлар яратсам. Алишер Расулов, Дилором Омонуллаева, Абдухошим Исмоиловлар менга бир қанча янги қўшиқлар тавсия этишди. Ҳозир улар устида ҳам ишлаяпман.

— Санъат оламига кириб келаётган ёшлардан кимларнинг ижоди сизни қизиқтиради?

— Менга Азим Муллахонов куйлаётган қўшиқлар ёқади. Кўпинча санъаткорлар оиласида етишиб чиққан хонандалар ота-оналари туфайли тезда кўзга кўринишади. Мен Азим Муллахоновнинг ўзини, қўшиқларини таниганимдан кейингина таниқли театр артисти Фарогат Раҳматованинг ўғли эканлигини билдим. Агарда фарзандларим ҳам санъаткор бўлишса, худди шундай йўл тутишларини хоҳлардим.

— Бир оғиз оилангиз ҳақида...

— Оилада етти фарзандимиз. Икки қиз, беш ўғил. Отам ҳам, онам ҳам санъат ихлосмандлари. Ёшлигимдан куй-қўшиқлар куйлаб юрсам-да, тиббиётга қизиқардим. Жарроҳ ёки архитектор бўлишни орзу қилардим. Шарқ тилларини севардим. Ҳозир ҳам қизиқишим туфайли бу соҳага тегишли китобларни жуда кўп мутолаа қиламан. Қўшиқ борасида менинг биринчи тингловчиларим оила аъзоларим бўлишган. Опам кўпинча уй юмушларини бажараётганда мен куйлаган қўшиқларни ҳиргойи қиладилар. Бу — менга жуда ёқади. Турмушимни ҳам санъаткорлар оиласи билан боғлаганман. Турмуш ўртоғим Элдор Абдуллаев билан «Самарқанд» ансамблини тузганмиз. Фарзандларим Анваржон 14 ёшда, Акбаржон 8 ёшда. Улар ҳам мусиқага қизиқишади.

— Халқимизда «онасини кўриб қизини ол»— деган гап бор. Онангизнинг қайси ҳислатлари сизга ўтган?

— Оиламиз катта бўлишига қарамай уйимиз доимо озода, саранжом, саришта турарди. Онам покизаликни ёқтирганлари учун бизга ҳам шуни ўргатганлар.

— Қайнонангизнинг қандай фазилатларини ҳурмат қиласиз?

— Кўпинча аёлларнинг кўзи ёшли бўлади. Лекин қайнонам сабр-бардошли, ҳаётда учраб турадиган қийинчиликларга вазминлик билан ёндошадилар. Ҳаётдан нолимайдилар. Менга уларнинг ўзларини тута билишлари ёқади.

— Ҳаётингизда турмуш ўртоғингиз қандай юмушларга кўпроқ суянчиқ бўладилар?

— Бирор соҳа йўққи улар менга ёрдам бермасалар. Болалар тарбиясида ҳам, ижодимда ҳам, доимо ҳамфикр, маслакдошмиз.

— Аёл кишига ҳам оила, ҳам санъат соҳасида ижод қилиш осон бўлмаса керак?

— Ҳа, албатта. Айниқса, ўғил болалар ўзингизга маълум, шўх бўлишади. Лекин вақт ўтиши билан улар менинг гастролларга тез-тез кетишимга ўрганиб қолишар, деб ўйлардим. Афсуски, ҳар сафаримдан олдин уларни ёнимга олиб касбимнинг, ишимнинг моҳияти ҳақида тушунтираман. Улар қандай кайфиятда мени кузатишса, мен ҳам шундай кайфиятда улар билан хайрлашаман.

— Узбекистоннинг қайси вилоятида мухлисларингиз кўп?

— Мен қайси вилоятларга, шаҳарларга кўпроқ бориб турсам ўша ерларда. Шунинг учун ҳам тез-тез сафарларга боришга ҳаракат қиламан. Чунки мухлислар олқишлари билан ўз муҳаббатларига ўргатиб қўйишган.

— Жаҳоннинг қайси мамлакатларида бўлгансиз?

— Туркияда, Исроилда, Японияда, Ҳиндистонда.

— Ҳинд қўшиқларига муносабатингиз?

— Ҳинд қўшиқлари деганда ҳинд фильмлари кўз олдимизда намоён бўлади. Айниқса, бундан бир неча йил аввал яратилган фильмлардаги мазмун, савия, қўшиқ, куй,ибо мени ўзига ром қиларди. Афсуски, ҳозирги яратилаётган фильмларда, Америка фильмларидаги сюжетлар айнан олинаётгандай туюлади.

— «Тошкент ҳақиқати» муштарийларига тилакларингиз?

— Ҳар бир инсоннинг ўз орзуси, мақсади бўлади. Истардимки, ҳамманинг юрагида туғилган тилаклари амалга ошишига Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин. Ҳеч ким эл назаридан қолмасин.

Суҳбатдош Мая ОБИДОВА.

• *Шифокор минбари*

БОЛАМ СОҒЛОМ БЎЛСИН, ДЕСАНГИЗ

Шу йилнинг 10 апрелидан бошланган болаларни эмлаш ойлиги 10 майгача давом этади. Ота-оналар, фурсатни бой бермай фарзандларингизни вақтида эмалатинг.

КЕЙИНГИ йиллар ичида вилоятимизда соғлом авлодни вояга етказиш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда. Оналар билан ўтказилаётган суҳбатлар, она ва болани муҳофаза этиш мақсадида ҳомиладор аёлларни назорат қилиш ва зарур ҳолларда соғломлаштириш учун шифохоналарга ётқизиш, мактабгача болалар муассасаларидаги шарт-шароитларни янада яхшилаш кабилар шулар жумласидандир.

Айни пайтда вилоят соғлиқни сақлаш тизимида гўдакларни шол касаллигига қарши эмлашни ўз вақтида йўлга қўйиш ҳам даволаш муассасалари диққат марказида бўлмоқда. Хусусан, шу йилнинг 10 апрелидан бошланган шол-полиомиелитга қарши эмлаш кунлари 10 майгача давом этади.

Шу муддат ичида беш ёшгача бўлган болалар қачон эмланган бўлишига қарамай, яна шолга қарши эмланиши шарт. Чунки бу касаллик шу ёшдаги болаларда кўп учрайди ва олди олинмаса, аъзолардан бирини фалажлаб қўйиши мумкин.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида иммунлашган кунларни ўтказиш бўйича маҳсус гуруҳ тузилган. Муаммоларни ҳал қилишда унинг аъзолари ҳамиша ёрдамга тайёр. Ота-оналар фарзандлари саломатлиги ҳақида бугундан қолмай жон куйдирсалар бас.

Р. ҚОСИМОВ,
вилоят СЭСи бош шифокори.

• *Қибрай*

БОДОМНИНГ ЯНГИ НАВИ

УЗОҚ йиллар давомидаги изланишлар туфайли Қибрайнинг кўзга кўринган боғбонларидан бири Соҳибжон Эргашев бодомнинг янги — «Соҳибжон-84» навини яратди. Янги нав маҳаллий шароитга мослашганлиги, қобигининг юмшоқлиги билан мутахассислар эътиборини тортмоқда.

Ҳозирги кунда Шредер номли ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий ходимлари бодомнинг бу янги навини тадқиқ этмоқдалар.

Ш. МИРЮСУФЗОДА,
жамоатчи мухбир.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

• *Миллий кураш*

ПОЛВОНЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БЕЛЛАШУВИ

ЎТГАН шанба ва якшанба кунлари Термиздаги «Алпомиш» уйингоҳи ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Миллий кураш бўйича Ал-ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб иккинчи халқаро мусобақаларни 15 мингдан зиёд мухлислар томоша қилдилар. Ўтган йилги ана шундай беллашувларнинг мутлоқ ғолиби — Ўрол полвон, шунингдек, Эрали полвонлар бош совринга асосий даъвогар эдилар. Лекин, Баҳром Авазов, Баҳодир Ҳасанов, Рустам Эргашевлар ҳам Президент савринини қўлга киритиш учун астойдил бел боғлаган эдилар. Ўрол полвон ярим финалдаёқ ютқазиб қўйди. Финалда жарқўрғонлик Рустам Эргашев билан ғузорлик Баҳром Авазовлар учрашди. Кураш қизигандан қизиди. Гоҳ у томон, гоҳ бу томон абжирлик кўрсатиб, очко йиға бошлади. Вақт тугаганда, ҳар икковининг очколари тенг бўлди. Хакам беллашувда фаол ҳаракат қилган жарқўрғонлик Рустам Эргашевни ғолиб деб топди. Шундай қилиб, иккинчи халқаро мусобақаларнинг мутлақ чемпиони унвонига жарқўрғонлик Рустам Эргашев сазовор бўлди ва Ўзбекистон Президентининг мукофоти — «ГАЗ-31» машинаси билан мукофотланди. Иккинчи ўринни эгаллаган ғузорлик Баҳром Авазов тулпор билан, учинчи ўринни олган термизлик Баҳодир Ҳасанов гилам ва туя билан тақдирландилар.

Совринлар билан тақдирланганлар орасида ўз вазнларида биринчи ўринни эгаллаган тошкентлик Валерий Шумяков ҳам бор. Шунингдек, мухлислар Эрали Юсупов, Армен Багдасаров, Тоштемир Муҳаммадиевларнинг ҳам беллашувларини мароқ билан томоша қилиб, уларнинг ғалабасини олқишлар билан тақдирладилар. Шоберди бахши эса ўз ўланлари билан даврага файз киритди.



Суратда: таэквандочилар мусобақаси.

• *Футбол*

ЧЕМПИОН ЯККА ПЕШҚАДАМ

Ўзбекистоннинг уч карра чемпиони — Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари учинчи турда Наманганда «Навбаҳор» меҳмони бўлиб, 3:0 ҳисобида ғолиб келдилар ва тўққиз очко билан якка пешқадам бўлиб олдилар. Мазкур учрашувда майдон эгалари ҳам бир неча бор тўп киритиш имконига эга бўлгандилар, бироқ омад улардан юз ўгирди. Ҳатто Азамат Абдураимов ўн бир метрлик жарима тўпини ҳам кирита олмади.

Мазкур тур мезбонларнинг тўла устунлигида ўтди. 8 та учрашувнинг 6 тасида майдон эгалари ғолиб келган бўлса, бир ўйин дуранг бўлди, биттасида меҳмонлар устун келдилар. Вилоятимиз вакиллари — «Политотдел» ўз майдонида «Янгиер» футболчиларини қабул қилиб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Иккинчи командамиз «Чирчиқ» эса Қўқонда «Темирйўлчи» меҳмони бўлиб, 0:1 ҳисобида енгилди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нурафшон»—»Динамо»— 3:0, «Сўғдиёна»—»Атласчи»— 4:0, «Пахтакор»—»Наврўз»— 3:1, «Трактор»— АСК — 2:1, МҲСК — «Машъал»— 3:0.

Агар мавсумнинг биринчи турида дарвозаларга жами 22 та тўп киритилган бўлса, иккинчи турда 19 та, учинчи турда эса 23 та тўп киритилди.

«ҒАЗАЛКЕНТ» ВА «МАДАНИЯТ» яна ютди

Мавсумни муваффақиятли бошлаган вилоятимиз вакиллари иккинчи тур ўйинларида ҳам ғалабага эришдилар. Бўстонлиқнинг «Ғазалкент» футболчилари Ҳаққулободда «Норин» меҳмони бўлиб 2:0 ҳисобида ғолиб келишган бўлса, Қибрайнинг «Маданият» жамоаси «Боғдодчи» клубини 2:0 ҳисобида енгди. Бу икки жамоамиз икки учрашувдан сўнг 6 тадан очко тўплаб пешқадамлар сафидан жой олиб туришибди. Янгийўлнинг «Мебелчи» футболчилари Наманганда «Наврўз»га Чирчиқнинг «Кимёгар» клуби эса Шаҳрихонда маҳаллий «Шаҳрихон» клубига бир хил — 0:1 ҳисобида ютқазидилар. Бекободнинг «Металлург» футболчилари Жиззахнинг «Йигирувчи» жамоасини ўз майдонида қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устун келишди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Гулистон»—»Кушон»— 1:2, «Чилонзор»—»Олтинкўл»— 1:0, «Ҳисор»—»Истиқлол»— 0:0.

• *Таэквандо*

ПОЛЬШАГА — ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИГА

ЯҚИНДА Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида спортнинг «Таэквандо» тури бўйича республика мусобақаси бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларидан келган бир қатор йигит-қизлар ҳам иштирок этдилар. Ўртачирчиқлик Алла Ким (вазни 60 кгдан юқори) ва Луиза Сагитова (вазни 53 кг)ларга 1 ўрин, Валентина Ким (48 кг) ва Евгения Канн (42 кг)ларга II ўрин насиб этди. Ғолиблар Ўзбекистон чемпионати медаллари билан тақдирландилар.

Ўғил болалар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда ўртачирчиқлик Санжар Мирзабеков, Моисей Ногай 1 ўринга, Виктор Цой II ўринга сазовор бўлишди.

Бу ўзига хос саралаш кўриги ғолибларидан С. Мирзабеков, М. Ногай, Л. Сагитова, Е. Канн ва А. Кимлар Польшада ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олишди.

— Ёшларимизнинг бундай ўринларни эгаллашлари чиндан ҳам қувончли, — дейди Тошкент вилояти «Таэквандо» федерацияси президенти П. Усмонов. — Уларнинг бу ютуқлари республикамиз спорти тараққиётига қўшилган ҳиссадир.

Ш. ОБИДОВА.

• *Байрам олдидан*

«ЧИН ҚАЛБДАН...»

ТУҲТАСИН Бобоев, Ғайдан Зокиров, Тамара Иванова, Акром Аъзамов, Абдураҳмон Қўчқоров, Абдужаббор Эргашев... Ҳар бир оҳангаронлик учун яхши таниш бўлган бу номларни яна давом эттириш мумкин. Улар уруш даврларида фашист босқинчиларига қарши аёвсиз жангларда иштирок этишган, ҳақиқий қирғин-баротларнинг гувоҳи бўлишган, гулдек навниҳол чоғларида қўлларига қурол олиб, мардлик ва жасорат кўрсатишган. Уларнинг кўксида порлаб турган нишонлар, орден ва медалларнинг ҳар бири бир тарих...

Яқинда Оҳангарон мудофаа ишлари бўлими, шаҳар ва туман уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашлари, туман ва шаҳар физкультура ва спорт жамиятлари касаба уюшмалари ташаббуси билан оҳангаронлик фахрийлар «Санжар» ошхонасига таклиф этилдилар. Бу ерда ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган "Чин қалбдан"... деб номланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Фахрийлар аввало урушда ҳамда урушдан кейинги йилларда оромизидан кетган қуролдошларини сукут сақлаб ёдга олдилар. Сўнг кеча меҳмонларини вилоят мудофаа ишлари бошқармаси вакили, М. Абдуллаев, Оҳангарон мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, А. Хабиров, туман ҳокими ўринбосари М. Дўстбоев, туман фахрийлар Кенгаши раиси С. Орипов, шаҳар фахрийлар Кенгаши раиси А. Аъзамов ва бошқалар табрикладилар. Фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Бир пиёла чой устида ўюштирилган бу учрашув ҳақиқатдан ҳам чин қалбдан ва самимий ўтди. Қуролдошларнинг жанг хотиралари яна бир бор эсланди, суҳбатлар қуй-қўшиқларга уланди. Шу куни оҳангаронда фаолият кўрсатаётган «Дилижанс» дастаси бадиий ҳаваскорлари фахрийлар хизматида бўлдилар.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР

Паркент туманида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уруш қатнашчилари, фронт ортида узларининг фидокорона меҳнатлари билан ғалабага катта ҳисса қўшган фахрийлар билан учрашувлар, «Оловларда тобланган қалблар», «Ватан остонадан бошланади» деб номланган театрлаштирилган кечалар шулар жумласидандир.

Туман марказий маданият уйида ўтказилган навбатдаги «Балли, йигитлар» кўрик-танлови ҳам қизиқарли ўтди. Ёшлар мустақил юрт посбондари. Шу боис улар зеҳнли, билимдон, чаққон бўлишлари керак. Танлов қатнашчилари ўзларининг ана шундай иқтидорларинигина эмас, балки соҳалари бўйича ҳам истеъдодларини намойиш этиб, ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар меҳрини қозондилар. Ғолибларга ҳомий ташкилотлар ва туман маданият ишлари бўлимининг махсус совринлари топширилди.

С. САЛОҲИДДИНОВ.

ОЛМА НЕГА ТЎКИЛАДИ?

Ўз-ўзидан равшанки, касалланишдан, қурт тушишдан мевада тўкилиш рўй беради. Лекин, бунинг олдини олиш қийин эмас. Афсуски, айрим боғбонларимиз буни яхши билишса ҳам вақтида хафсала қилишмайди. Бундай қилиш керак эмас. Модомики, боғбонликни касб қилган экансиз, ишловни ўрнига қўйинг. Ана шунда меҳнатингиз зое кетмайди, ҳосил баракали, салмоқли, сифатли бўлади.

Булар нималардан иборат? Яна бир бор эсга солиб қўяйлик. Олмага ўралайдиган, хашорот, қурт қумурсқалар асосан унинг тагида, ўт-ўланлар орасида, тупроқда қишлайди. Шу туфайли дарахт қатор ораларининг таги юмшатилиши шарт. Айниқса, эрта баҳорда бу тадбирни ўз вақтида амалга ошириб, ерни чизелласангиз, қишлаб қолган хашоротларнинг ўрни ўзгариб кирилади. Омон қолганлари, бўлса кун исиши билан дарахтга ўрмалай бошлайди. Шунинг учун олма ҳали барг чиқармасдан «Динок» препарати билан ишлов бериш керак. Лекин, бу пайтда кундузги ҳарорат кам деганда 15-16 даража, тунги ҳарорат 4-5 даражадан паст бўлмаслиги шарт. Бу тадбир ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, дарахт танасига ўрмалаб чиққан ва унинг баданида қишлаб қолган хашаротлар нобуд бўла бошлайди.

Лекин, бу билан кифояланмайсиз, албатта. Иккинчи ишлов олма гуллаб 85 фоиз оқ гулини тўкканда амалга оширилади. Унда «Нурелди» ва «Фазалон» препаратларидан фойдаланилади, гул ичига жойлашиб олган хашорат тухумларига қирон келтирилади. Орадан 20 кун ўтгач, олма ҳосили ёнғоқдек бўлганда учинчи ишлов берилади. Гул оғзи бекилмай капалак қуртлари ташқарига чиқиб кетмай нобуд бўлади.

Айрим пайтда олма гулларининг буришиб қурий бошлаганини кўриб, ачиниб кетасиз. Ахир бунинг ҳам олдини олса бўлади.

Олтингугуртнинг сувда эрийдиган қоришмасидан фойдаланиб, суюқлик тайёрлайсиз ва у махсус аппаратда пуркалади.

Қайси бир боғбон бу тадбирларни эринмай ва ўз вақтида амалга оширса, албатта, мўл ҳосилга эга бўлади.

Шу йил ёзда Буюк Британияда Ер қуррасида ҳалокатга учраган ўзга сайёраликнинг фожиали кечмиши тасвирга туширилган маҳфий кинопленка биринчи марта намойиш қилинади. Бир ярим соат давом этадиган мазкур фильм Шеффилд шаҳар университетида НУЖлар масалаларига бағишлаб ўтказиладиган халқаро анжуман кунлари кўрсатилиши керак. Анжуманга дунёнинг турли мамлакатларидан 500 дан зиёд вакиллар келиши кутилмоқда.

Пленкага туширилган тасвирлар бундан 50 йил муқаддам бошқариладиган «учувчи ликопча» Американинг Нью-Мексика Штати саҳросида ҳалокатга учраган жойнинг ўзида 1947 йилда олинган бўлиб, дарҳол ҳуфиялаштирилган эди.

Кейин маълум бўлишича, америкалик собиқ ҳарбий кинооператорлардан бири мазкур фильмдан нусха кўчириб, уни АҚШда Элвис Пресли ҳақидаги фильмни суратга олган инглиз Рей Сантиллига берган. «Биз лентани «Кодак» компанияси экспертлари кўмагида текшириб кўрдик. Учиндан ҳам қарийб 50 йил муқаддам суратга олинган, — деди НУЖларни ўрганиш бўйича Буюк Британия ассоциациясининг вакили, халқаро анжуман ташкилотчиларидан бири Филипп Мантел. — Мен фильмнинг етти минутлик бир қисмини томоша қилдим. Тасвирлар аниқ ва жуда ҳаяжонли».

Матбуотга қалқиб чиққан ахборотларга қараганда оқ-қора тасвирдаги пленкада, жумладан, ҳарбий полиция томонидан қўриқланган чодирдаги нотаниш мавжудот мурдасини очиб кўриш, чунончи «космик кема» парчаларини кўздан кечириш дақиқалари акс эттирилган. Таъкидлашларича, самовий кема қаттиқ материалдан ишланган бўлиб, уни маҳфий тутишдан мақсад — америкалик олимларга ўзга сайёраликнинг инженерлик сирларини очишларига имкон яратишдан иборат булган.

ЎЗГА САЙЁРАЛИКНИНГ ҲАЛОКАТИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

ЭЪЛОНЛАР

«ЯНГИЙЎЛМЕБЕЛЬ»

банклар, раҳбарларнинг хонаси, офисларни жиҳозлаш;
Харидорнинг хоҳишига кўра
қора тусдаги ёнғоқ, шумтол, дуб, қизил дарахт ёғочидан
ясалган, қопламалар билан қопланган ётоқ,
юмшоқ мебелларни

СОТАДИ

Ҳақ тўлаш — исталган усулда, мавоза шаклида
ҳам бўлиши мумкин.
Мебелларни аҳолига қарзга (фоизсиз)
сотиш ҳам йўлга қўйилган.

Телефонлар: Янгийўл шаҳрида:
(8-260) 725-66, 729-52, 717-05, 724-75.
Тошкент шаҳрида:
31-70-49.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир:
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0147. 17188 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5 6